



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИК ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОД” ФАКУЛТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ**

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ _____ ” _____ 2012 йил

**“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича битирувчи
АБДУЛЛАЕВ АЛИМАРДОН АДБУЛМАЖИТОВИЧНИНГ
“МАҲСУЛОТ (ИШ ВА ХИЗМАТ) ЛАРНИ СОТИШНИНГ ҲИСОБИ ВА
АУДИТИ” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи: Абдуллаев Алимардон _____

Илмий раҳбар: и. ф. н., доц Шарипов Б. _____

Наманган – 2012 й.

МУНДАРИЖА

Кириш	3-5
I-Бўлим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш даврида маҳсулот сотишнинг ўрни ва роли	6-24
1.1. Моддий неъмат ишлаб чиқарувчи корхоналарни иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни.....	6-12
1.2. Маҳсулот сотиш ҳисобини назарий, меъёрий- ҳуқуқий асослари...	12-19
1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш даврида маҳсулот сотишнинг ўрни ва роли.....	19-24
II-Бўлим . “Поп пахта толаси” ОАЖда маҳсулот(иш, хизмат)ларни сотиш ҳисобини ташкил этиш	25-53
2.1. Маҳсулот турлари ва уларнинг ҳисобини юритиш.....	25-35
2.2. Бажарилган иш ва хизматлар, уларнинг ҳисобини юритиш.....	35-44
2.3. Сотилган маҳсулотларни молиявий ҳисоботларда акс этириш.....	44-50
III-Бўлим. Сотилган маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг аудити	51-69
3.1. Сотилган маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг тахлили.....	51-56
3.2. Сотилган маҳсулот(иш, хизмат)лар аудити.....	56-61
3.3. Аудит натижаларини расмийлаштириш.....	61-66
Хулоса ва таклифлар	67-69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70-71
Иловалар	

Кириш

Илмий тадқиқот ишининг долзарблиги. Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини этиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда”¹ деб, бу воситалардан янада яхши фойдаланиш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тўғрисидаги ахборотни шакллантиришнинг ягона тамойилларини таъминлаш учун давлат томонидан маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, даромад ва харажатларни гуруҳларга ажратиш, корхоналар фаолияти тури, мулкчилик шакли ва идоравий буйсунишидан қатъий назар уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг умумий тартиби белгиланган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади.

Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш ҳисоби ва аудити доимо энг долзарб мавзуларидан бири бўлган ва айнан шундай бўлиб келмоқда.

Муоммони ўрганилганлик даражаси. Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш ҳисоби ва аудити доимо долзарб мавзу ҳисобланади, чунки ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси маълум бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарар экан бу борада сотиш харажатларини ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳимдир .

Хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот ва уларни сотиш харажатларини ҳисоблашни назорат қилиб боришдан мақсад содир бўлган

¹ Каримов И.А. " Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси." -Т.: "Ўзбекистон", 2010. 340. бет.

хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш ва солиққа тортишда қўлланилаётган тартибнинг Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Шундай экан, ушбу мавзу бўйича республикамиз ва ҳорижий мутахассислар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш ҳисоби ва аудити масалаларини ҳал қилиш борасида хорижлик иқтисодчи олимлардан В.П.Палий, Ч.Т.Хорнгрен, В.П.Суйц, А.Д.Шеремет, Я.В.Соколовларнинг илмий тадқиқотларини қайд қилиш мумкин.

Хорижий олимлардан Я.В.Союков, Б.Нидлз, Хандерсон, Д.Кондуэлл ва бошқалар меҳнат ҳақи ҳисоби бўйича бир қатор илмий изланишларни амалга ошириб, маълум натижаларни қўлга киритишган.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодчи олимларда Э.А.Акрамов, Ё.Абдуллаев, Э.Ф.Гадоев, Н.Ю.Жўраев, А.М.Жуманов, Т.И.Жўраев, Қ.Қудбиев, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, А.Қ.Ибрагимов, М.М.Тўлаходжаева, ХН.Мусаев, А.Абдуллаев, И.Қаюмов, М.Юсупова, М.Умарова, Б.А.Хасанов, Ш.У.Хайдаров ва бошқаларнинг илмий ишларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг назарий ҳамда услубий жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун илмий ишда қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинган: Бугунги кунда товар муомалаларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг сотиш ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг муаммоларини ўрганиш;

Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш ҳисобини ташкил этиш уни назоратини ўрганиш ва унга баҳо бериш;

Битирув малакавий ишининг предмети ва объекти. Мазкур малакавий битирув ишининг тадқиқот предмети хўжалик юритувчи субъектларда “Поп пахта толаси” ОАЖ мисолида ўрганамиз.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги алоҳида амалий таклифлар ва тавсиялар республикамиздаги корхоналарда Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш ҳисоби ва аудити такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Қарорлари, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш билан боғлиқ меъёрий хужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг маҳсулот таннархи ва уларнинг таркибида товар муомалалари бўйича илмий ишлари, услубий, меъёрий манбалар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг таркибий тўзилиши. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида илмий тадқиқот ишининг долзарблиги, ушбу мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг вазибалари, назарий-услубий асослари ўз ифодасини топган.

I-Бўлим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш даврида маҳсулот сотишининг ўрни ва роли.

1.1. Моддий неъмат ишлаб чиқарувчи моддий неъмат ишлаб чиқарувчи корхоналарни иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик фаолияти жараёнининг якуний босқичидан олиндиган тайёр маҳсулотларнинг борича камайтириш муҳим ўрин тутди, чунки талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда уларга ўрнатилган таннархидаги сарфланган хом-ашё ва материалларнинг улушини имконияти баҳо маҳсулотларнинг ҳаридорлик даражасини белгилайди. Ушбу муомалалар ва талаблардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил қилаётганда табиий ва моддий ресурслардан унумли фойдаланиш керак. Бу ҳақда, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов : "...биринчи навбатда, ресурслар ва энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежамкорлик режимини янада катъийлаштириш мўлжалланмоқда"- деб айтиб ўтдилар.

Хозирги жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенг кўламда кенгайтириш ва уларни ривожланиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ўта юқори ва ҳаридоргир бўлиши уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг яхшиланишига ҳамда молиявий барқарорликка эришишларига олиб келади. Албатта бундай юқори самарадорликка эришишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кетадиган материалларнинг улуши ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжни бир томондан

оширилиши, иккинчи томондан ушбу захираларнинг қийматининг бозор

талабларини инобатга олиб, маҳсулот таннархининг қанчага тушишини ҳисобга олишни тақозо этади. Корхоналарнинг моддий ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорда белгиланган сифатда ҳамда бир маромда таъминланганлиги, улардан рационал фойдаланиш пировардида унинг иқтисодий ривожланишига ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади.

Моддий ресурслар деб, ишлаб чиқаришнинг муайян циклида фойдаланишда бўлган ва шу циклда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархига ўз қийматини тўлиқ ўтказиб борувчи буюмларга айтилади. Хом-ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёкилғи, эҳтиёт қисмлар корхона айланма маблағларини ташкил килади. Материалларнинг ҳар бир тури бўйича норматив миқдори корхона томонидан мустакил равишда белгиланади. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз давом этиб туришида белгиланган нормативга риоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга.


Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши кўраш, маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Жумладан, моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри, тежамли сарфлаш иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўз навбатида меҳнат буюмларининг ортишига олиб келади. Агар халқ хўжалигининг айрим тармоқларида (енгил ва озиқ-овқат) моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш харажатларида тутган салмоғи 80 фоизни ташкил этишини назарда тутсак, у ҳолда материал сарфини камайтиришнинг нақадар халқ хўжалигида ката

аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилиш мумкин .

Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади (1- чизма қаранг).

1- чизма



Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.


Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги моддий неъмат ишлаб чиқарувчи корхоналарни

бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (2-чизмага қаранг).

2-чизма.

Иқтисодиёт реал сектори моддий неъмат ишлаб чиқарувчи корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари



Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда

Бу ўринда мазкур тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан – жорий конъюктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

– айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан;

- қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно;
- озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш даврида иқтисодиётдаги сифат силжишлари ҳисобга олишнинг бошқарув функцияси сифатидаги ролини кескин оширади.

Албатта юқоридаги фикрларга асосланган бугунги даврда ҳолда шуни таъкидлаш жоизки моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг мавқеи ошиб бораётганлиги шунингдек ҳисоб ва назорат тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар қилишни талаб қилади .

2000-2009 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (1-жадвалга қаранг).

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2008 йилда 9,3 фоизга, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизгача пасайишига олиб келди.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи моддий неъмат ишлаб чиқарувчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0
Қора ва рангли металллар	6,6	9,2	7,0	5,0
Машина ва усқуналар	3,4	8,4	7,6	2,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5

Бошқарув тизимининг самарадорлиги, олинган ахборотнинг сифати ва ишонарлигига боғлиқдир. Шунга кўра ҳисобга олиш сифати, унинг

ишонarliлиги, бошқарув, камайтиришни амалга ошириб, товар ҳаракати, товар таъминоти технологиясини такомиллаштириш: товар-моддий бойликларни ташиб етказиб беришда сақланишини таъминлаш: омбор хўжалигини яхшилаш ва сақлаш усулларини машинада бошқарув ва инвентаризациялар ўтказиб такомиллаштириш: талабни ўрганиш, режалаштириш, қониқтиришнинг комплекс тизимни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш ва ҳисобга олишнинг интеграциясини, маълумотларни интегралланган ишлов тизимнинг жорий этилишини таъминлаш: айрим савдо корхоналарини хусусийлаштириш ва замонавий техника воситаларини кенг қўллашга асосланган бошқарувнинг янада такомиллашган оператив системаларининг ишлаб чиқилишидир.

Бундан ташқари бухгалтерияда ҳисобга олиш, уни оқилона ташкил этишнинг умумий вазифаларини ҳисобга олишни савдонинг алоҳида бўғинларида уларнинг хусусиятларини эътиборга олиб, муваффақиятли юритилишини таъминлаши зарур. Масалан, улгуржи савдода бухгалтерияда ҳисобга олиш жамоалар кучларини улгуржи ҳаридорларни кенг аснавимент, юқори сифатли товарлар билан бир текис ҳамда узлуксиз таъминлашга сафарбар этилиши лозим. Шунга кўра товарларни тузилган шартномаларга мувофиқ тарзда етказиб берилишини тўғри ҳисобга олиб борилиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Бундай бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун энг аввало ҳисобнинг пастки қисмида ҳисоб китобларни тўғри ташкил қилишдан иборатдир. Бунинг учун бухгалтер иқтисодчилар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва йўриқномаларни жуда яхши билиши зарур.

1.2. Маҳсулот сотиш ҳисобини назарий, меъёрий- ҳуқуқий асослари

Мулк шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар фаолиятидаги ҳолат асосан уч жараёнда олиб борилади, яъни таъминот, ишлаб

чиқариш, сотиш жараёнларидир. Ҳар бир жараён ўзидан олдинги ёки кейинги жараён билан бевосита боғлиқ бўлиб бир жараёнлари ўзгариш албатта кейинги жараёнга ҳам ўз таъсирини ўтказиб боради. Бозор муносабатларини ташкил топиши юқоридаги жараёнларни ўзаро боғлиқлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш учун эмас, балки сотиш учун имконият яратилишига ўз хиссасини қўшиши керак деган шиорни олға суради яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорига эга бўлишини тақазо этади. Демак, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилишда асосий эътибор талаб ва тақлифга қаратилгандагина ишлаб чиқариш самарадорлиги деган тушунча ўзини кўрсата олади.

Бугунги кунда бозорларда товар аснавиментини ўзгариб бориши ишлаб чиқаришни тез ўзгариши билан боғлиқ ҳисобланса иккинчидан харидорлар талабини тез ўзгариб туришни кўрсатмоқда. Айтиш мумкинки ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорини топмоқда.

Сотиш биз учун бозор иқтисодиёти шароитида энг тортишувли , яъни мунозарали масалаларидан бири ҳисобга олинаётган объектнинг сотилиш лаҳзасини аниқлашдир. Ҳарб олимлари сотиш лаҳзаси деб моддий бойликка бўлган мулкчилик ҳуқуқининг сотувчидан харидорга ўтиш лаҳзасини қабул қилишган , яъни улар ҳуқуқ концепциясида яъни олға суришади. Биз эса шу пайтгача сотиш лаҳзаси деб маҳсулот учун харидордан пул тушган пайтини ҳисоблаб келдик. Бунда албатта, пул тушган пайт мулкчилик ҳуқуқининг ўтиш пайтига тўғри келмайди. Шундай қилиб, ғарбликлар концепциясига кўра, фойда маҳсулотни жўнатиш пайтидаёқ пайдо бўлар экан, бизда эса пул келиб тушган пайтдан ҳисобга олинади. Биринчи ҳолда фойда бор, лекин иш ҳақини тўлаш, солиқ тўлаш, кредитор қарзларни узиш учун пулнинг ўзи йўқ, бундан ташқари, Ҳарб мамлакатларида бу муоммолар икки ҳисобда –“Сотиш” ва “Сотилган товарлар таннари ” ҳисобларида акс эттирилса, бизда фақат битта”Маҳсулот(иш ва хизматлар)ни

сотиш”ҳисобининг бир томонида тушум, иккинчи томонида таннарх акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотларни сотиш жараёни тўғри ташкил қилиш корхона фаолиятини яхшиланишига, молиявий натижаларни ортиб боришига, харажатларни камайтиришга ўз таъсирини ўтказиб боради. Маҳсулотни сотиш жараёнида уларни тўғри баҳоланишига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Хозирда ҳалқ истеъмоли товарлари асосан икки хил баҳода яъни сотиб олиш (шартнома) ва сотиш баҳоларида олиб борилмоқда. Тайёр маҳсулотни сотиб олиш баҳоси деб ишлаб чиқарувчи ва олувчи ўртасида келишилган ва шартнома тузиш орқали ифода этилган баҳога айтилади. Сотиш баҳоси бу бозорда талаб ва таклифдан шаклланадиган ўзгарувчан баҳога айтилади.

Улгуржи ва савдо ташкилотларда устама харажатлар умумий чиқимлар таркибида катта салмоққа эга бўлиб, товар қийматининг деярли 50 % ни ташкил қилади. Бизга маълумки бу харажатларнинг миқдори мол етказиб бериш шартларига боғлиқ бўлади. Устама харажатлар товарни ортиб жўнатишга, тайёрлаш (сифатини ва сонини текшириш), ички юк ташувчи воситаларига ортиш, товарни мамлакат ҳудудидаги тегишли жойга етказиб бериш, товарни халқаро транспортга ортиш харажатлари учун ҳақ тўлаш ҳамда уни халқаро транспорт ёрдамида ташиш қиймати, товарни йўлдаги суғурта қилиш ва сақлаш харажатлари, уни йўлдаги қайта юклаш-тушириш, товарни олиб борилган жойда тушириш, товарни харидорнинг омборигача олиб бориш чиқимлари, транспорт ва экспедиторлик ташкилотларининг ҳақи, бож тўловлари, тижорат кредитлари учун фоизлар, банк харажатлари, солиқлар ва бошқа чиқимлардан иборат. Бу харажатларга шунингдек табиий йўқолиш меъёрлари чегарасидаги товар-моддий қийматликларнинг йўлдаги ва сақлаш пайтидаги камомади, аниқ айбдорлар топилмаган ҳоллардаги товар-моддий бойликларнинг табиий йўқолиши меъёрларидан юқори бўлган камомадлари ва бузилишидан кўрилган зарарлар ҳамда суд томонидан бекор

килинган асоссиз даъволарнинг камомади ва ўғирланиш натижасида кўрилган зарарлар ҳам киради.

Устама харажатлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1 Экспорт ва импорт бўйича устама харажатлар;
- 2 Сўмлардаги ва чет эл валютасидаги устама харажатлар;
- 3 Тўғри ва эгри (умумсавдо) устама харажатлари.

Тўғри устама харажатларга экспорт ва импорт товарларни бевосита сотиб олиш, сотиш ва қабул қилиш жойидан бошлаб топшириладиган жойгача ташиб бериш, шу жумладан, уларни сақлаш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш харажатлари киради.

Умумсавдо (эгри) харажатларга айланмада қатнашадиган барча товарларга тегишли бўлган ва аниқ бир товар турига бевосита олиб бориш мумкин бўлмаган харажатлар киради. Булар тижорат кредитига доир фоиз тўловлари, банк харажатлари, транспорт-экспедиторлик ташкилотларнинг хизмат ҳақи, маркетинг харажатлари ва бошқалардан иборат.

Устама харажатларнинг ҳисоби 9400 - "Давр харажатлари" ҳисоб варағида уларнинг турлари бўйича тегишли хужжатлар асосида юритилади. Ойнинг охирида бу харажатлар якуний молиявий натижалар ҳисоб варағига ўтказилади.

Муомала харажатлари деганда ташқи савдо корхоналарининг бошқарув аппаратининг сақлаш чиқимлари тушунилади. Буларга ходимларнинг иш ҳақи ва мукофотлари, ижтимоий суғуртага, пенсия фонди ва иш билан таъминлаш фондига ажратмалар, мамлакат ичидаги хизмат сафарлари, хўжалик ва идора харажатлари, енгил транспортни сақлаш, импорт ва транспортни сақлаш ва кўриклаш харажатлари, реклама харажатлари, консигнация омборларида сақлаш, товар нусхаларини сотиб олиш, ходимларнинг чет элга вақтинчалик хизмат сафари, чет эл вакилларини қабул қилиш харажатлари, асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш

суммалари, ахборот хизматларига тўловлар, чет элдаги ваколатчиликни сақлаш ва бошқа харажатлар киради.

Сотувчи ва ҳаридорнинг товарни бир мамлакатдан бошқасига етказиб бериш бўйича кўп сонли мажбуриятларни, шу жумладан товарга эгалик қилиш ҳуқуқининг ўтиш ҳамда йўқолган, шикастланган ёки бирор бир сабабга кўра етказиб берилмаган ҳолда тарафларнинг маъсулияти таърифини уз ичига олган махсус шартлар ташқи иқтисодий фаолиятда товарлар етказиб беришнинг базис ҳаридлари деб номланади.

Давр харажатлари корхона фаолиятидаги харажатлар ҳисоби тизимида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Унга бошқарув, тижорат харажатлари, бошқа умумхўжалик аҳамиятидаги харажатлар ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари харажатлари киради. Давр харажатлари ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаганлиги, бироқ корxonанинг асосий фаолияти бўлган маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлганлиги учун, бошқача қилиб айтганда жараён харажатлари ҳамда умумий ва маъмурий харажатлар деб ҳам аталади. Бу харажатлар ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот ҳажмига эмас, балки хўжалик фаолиятининг давомийлигига боғлиқ бўлади.

Давр харажатлари элементида қуйидаги моддалар киради:

- бошқарув харажатлари;

- сотиш харажатлари;

-бошқа жараён харажатлари ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари харажатлари, ишлаб чиқаришни ва бошқарув тизимини ривожлантириш харажатлари.

Бу тур харажатлари таркибида пахта тайёрлов пунктларида омборни сақлаш харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Бу албатта, тўғри эмас. Фикримизча, бу харажатлар ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқариш

харажатлари таркибидан тайёрланаётган хом-ашёнинг таннархига ўтказилиши лозим. Чунки хом-ашё сакланаётган омбор харажатлари бевосита хом-ашёни саклаш билан боғлиқ бўлиб, сарфланаётган хом-ашё таннархига қўшилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хозирги кундаги муҳим масалалардан яна бири давр харажатлари рентабеллигини ҳисоблаш масаласидир. Давр харажатлари рентабеллигини аниқлаш учун соф фойдани давр харажатларига бўлиш лозим. Бу кўрсаткич сарфланган 1 сўмлик давр харажатлари қанча соф фойда келтирганлигини билдиради ва олинган маълумотлар асосида тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойдали, харажатларни қоплаши тегишли даромад олиш йўлида ташкил қилади. Олинган даромад миқдори бевосита ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига, сифатига баҳосига, бозордаги талабга қараб ўзгариб боради.

Молиявий натижаларни ҳисоблаш тартиби тармоқлар бўйича бири-биридан фарқ қилиб, бу фарқ асосида маҳсулот таннархини аниқлаш харажатларни тақсимлаш меъзони туради. Молиявий натижанинг асосий манбаи бўлиб, маҳсулотни сотишдан келиб тушган пул маблағлари ҳисобланади. Молиявий натижалар ҳолатига маҳсулот ва товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар бевосита таъсир қилади. Фикримизни далили сифатида савдо-тижорат соҳасида молиявий натижаларни аниқлаш ҳолатига (тартибига) мурожаат қилайлик. Бунинг учун «Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишси» ҳисоб варағининг маълумотларидан фойдаланамиз. Бу ҳисоб варағининг кредит томонида товарлар сотишси сотиш баҳосида кўрсатилади. Олинган товарлар учун мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобни эркин шартнома (сотиб олиш) баҳосида амалга оширилади. Ўртадаги фарқ савдо устамасини ташкил қилади. Савдо устамасининг миқдори бевосита шу товарга бўлган талаб билан ўлчанади.

Савдо устамасининг асосий мақсади товарларни сотиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ва даромад манбаини шакллантиришдир. Молиявий натижаларни аниқлашда савдо устамаси алоҳида алоҳида сотилган ва қолган товарларга нисбатан ҳисобланади.

Ҳисобот даврида товарлар харакати билан боғлиқ харажатлар «Давр харажатлари» счётиҳисоб варағ ҳисобига олинади. Бу ҳисоб варағда кўрсатилган харажатлар жами товарларга тааллуқли бўлиб, даромадни аниқлашда сотилган ва қолган товарларга тааллуқли бўлган харажатларни аниқлашни талаб қилади. Шунинг учун ҳисобот даврининг охирида ўртача савдо устамаси ва сотилган товарларга тааллуқли харажатларни ҳисоб-китоб қилиш талаб қилинади (йил охирида «Савдо устамаси» ва «Давр харажатлари» ҳисоб варағ бўйича қилинадиган ҳисоб-китоб назарда тутилмоқда).

Молиявий натижаларни аниқлашда уларни бевосита товарларни сотишдан, яъни асосий хўжалик фаолиятдан ва кўзда тутилмаган манбалардан шаклланишига алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистон Республикасида «Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш таркиби тўғрисида»ги Низомни қабул қилиниши молиявий натижалар ҳолатини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси йилдан-йилга ортиб бормоқда, янгича муносабатларнинг шаклланиши унинг янги ижобий натижаларини бермоқда.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни

шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари билан тартибга солинади. Мазкур Низом халқаро андозаларни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳиобини юритиш ва солиққа тортиш учун харажатларни ҳисоблашда юзага келадиган фарқларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Низомга асосан корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари куйидаги фойда кўрсаткичларига асосан олиб борилади, яъни маҳсулотни сотишдан олинган фойда-ялпи фойда, у маҳсулотни сотишдан олинган соф даромаддан сотилган маҳсулот таннархини айриш йўли билан аниқланади. Молиявий натижаларни аниқлашда юқоридаги Низомга тўлиқ риоя қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулот ва уларни сотиш харажатларини ҳисоблашни назорат қилиб боришдан асосий ўтказишдан мақсад содир бўлган хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш ва солиққа тортишда қўлланилаётган тартибнинг Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

1.3 Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш даврида маҳсулот сотишнинг ўрни ва роли.

Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган

мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини кучайтиради.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айти пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг қўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтормоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг

юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни кўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди. Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан якунлаш имконини берди.

Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимиз тўлов балансининг ишончилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори кўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хом-ашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш мақсадлари учун хизмат қилади.


2-жадвал.

Ўзбекистон импортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Импорт жами (млн. АҚШ долл.)	2944,5	4091,3	9704,0	9438,3
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	13,6	11,6	11,1
Қора ва рангли металллар	8,6	10,3	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	35,4	43,3	52,4	56,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	7,0	8,3	9,0
Энергия ресурслари	3,8	2,5	4,6	5,3
Хизматлар	8,5	10,4	4,4	4,4
Бошқалар	17,8	12,9	11,0	9,2

2000-2009 йилларда республикаимиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди (2-жадвалга қаранг).

Ташқи савдо айланмаси, хусусан экспортнинг географик таркибида МДХ мамлакатларининг улуши 2009 йил якунларига кўра 33,9 фоизни ташкил этди (1-расм). 2009 йилда мамлақтимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди. (1-расмга қаранг)



Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2008 йилда 9,3 фоизга, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизгача пасайишига олиб келди.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи моддий неъмат ишлаб чиқарувчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бугунги даврда маҳсулотларни сотишда бухгалтерия ҳисоби ва назорат олдига бир қатор муҳим вазифаларни кўяди

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш даврида корхоналарнинг энг кам сарфлар қилиб, пировард натижаларга эришиш маъсулиятларини ошириш ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, олинadиган даромадлар даражасини улар ишининг самарадорлиги даражасига бевосита боғлиқ бўлиши бухгалтерия ҳисобини бошқарувнинг фаол вазифасига айлантириш зарурий ҳолдир.

Миллий иқтисодиётда маҳсулотларни сотилишини ҳисобга олишнинг мақсад ва вазифалари иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир босқичида муайянлаштирилиб борилади.

Маҳсулотларни сотилишини бухгалтерияда ҳисобга олиш энг аввало товар айланмай ҳажмини ҳисоб-китоб қилишда корхоналари хўжалик-молия фаолиятларини баҳолашнинг асосий меъзони сифатида бажарилишини назорат қилиш учун зарур ахборот билан таъминлаши керак. Хўжалик операцияларини бухгалтерияда ҳисобга олиш ўз вақтида акс эттирилиши уларни қайд этишнинг ўзи билан чекланмай, ҳисоб маълумотларидан режани бажариш жараёнига ўз вақтида таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Бухгалтерия ҳисоби зиммасига товарларни умумий ҳажми бўйича ҳам, аснавименти ва гуруҳлари бўйича ҳам етказилиб бориши ҳамда сотиш қилиш режасининг бажарилиши устидан мунтазам назорат қилиш юкланади.

Маҳсулотларни сотилишини узлуксизликни таъминлаш мақсадида бухгалтерияда ҳисобга олиш товар захираларининг ҳолати, уларнинг ўз вақтида тўлдириб борилиши, товар айланмасининг жадаллашиши устидан мунтазам назоратни амалга оширади.

Товар моддий бойликларнинг сақланиши фақат камомад, талон-тарожлик ҳодисаларини камайтиришнигина эмас, балки товарларни ташиш,

сақлаш ва сотишдаги йўқатишларни камайтиришни ҳам назарда тутди. Товар моддий бойликларни суъистеъмол қилинишининг олдини олиниши бухгалтерияда ҳисобга олишни ташкил этиш бўйича белгиланган норматив актлар ва қоидалари талабларига риоя қилиниши орқали таъминланади.

Назорат товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг ҳаракатини тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиш, товарлар сотишсидан тушган пулни аниқлаш ва тўлиқ банкка топширилиши, ҳужжатли тафтиш, инвентаризация, товарларни қабул қилиш, бериш ва сақлашни тўсатдан бўладиган назорат текширувларини сифатли ўтказилиши кўмагида амалга оширилади. Мулкнинг сақланишини таъминлашга моддий жавобгарликни, ходимларни танлаш ва тайинлашни тўғри ташкил этилиши ҳам ёрдам беради. Бухгалтерияда ҳисобга олишнинг муҳим вазифаси — хўжалик ҳисобини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, фақат корхоналарни эмас, балки жамғарманинг зарур замини бўлган тежам режимини кучайтиришдир. Бухгалтерия ходимлари корхона, унинг ташкилий бўлинмалари хўжалик фаолияти устанд катъий назоратни амалга оширадиган эканлар, моддий бойликлар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотилиши устанд мунтазам назоратни амалга оширадиганлар.

II-Бўлим . «Поп пахта толасиси» АЖда маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш ҳисобини ташкил этиш.

2.1. Маҳсулот турлари ва уларнинг ҳисобини юритиш

«Поп пахта толасиси» Акциядорлик Жамияти (Кейинги уринларда Жамият деб юритилади) Поп туман ҳокими томонидан 1995 йилги №7/315-сон сонли қарорига асосан қайта рўйхатга олинган.

Жамият низоми акциядорларнинг 1998 йил 13-октябрдаги 3-сонли умумий йиғилиш баённомаси билан тасдиқланиб, Наманган вилоят Адлия бошқармасида 1998 йил 25-декабрдаги 264-сонли қарор билан қайта рўйхатга олинган. Поп туман Статистика бўлимида 1998 йил 18 июлда №00017 сон билан рўйхатга олиниб 17111 сонли ОКОНХ хос рақами берилган. Давлат Солиқ Қўмитасида солиқ тўловчи ҳуқуқий шахс сифатида рўйхатга олинган. Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларни Поп туман Давлат солиқ инспекциясига топшириб келади.

Жамият солиқ тўловчи юридик шахс сифатида Поп туман Давлат Солиқ Инспекциясида рўйхатдан ўтган бўлиб, 200074433 –сонли идентификация рақами берилган.

Жамият Наманган вилояти, Поп шаҳар, Хўжаобод қишлоғида жойлашган.

Агробанкнинг Поп бўлимида ҳисоб рақамидан ташқари махсус ҳисоб рақамлари ҳам очилган

1. 23204000400380149333- Транш пул маблағлари учун
2. 23210000200380149333- Транш пул маблағлари учун
3. 23220000900380149333 - Транш пул маблағлари учун
4. 22626000600380149001- Махсус рақам
5. 20210000100380149888 Транш пул маблағлари учун

Поп пахта тозалаш акциядорлик жамияти акциядорларининг 2010 йил 25 мартдаги умумий йиғилиши баённомасига асосан 575000.3 минг сўмлик номинал қиймати 825 сўм бўлган бўлган қўшимча 696970 дона эгаси ёзилмаган оддий хужжатсиз акциялар чиқариш бўйича қарор қабул қилинган. Ҳозирги кунда жамият низом жамғармаси 639999,5 минг сўмни ташкил

килади. Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти ва тегишли Республика, вилоят органлари томондан ишлаб чиқарган йўриқномага асосан пахта етиштирувчи хўжалик, ширкат, фермер хўжаликлардан пахта хом – ашёсини қабул килади ва қайта ишлайди.

- **Пахтани қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартиблар асосида истеъмолчиларга етказиб бериш ва четга экспорт қилиш;**
- **Пахта тозалаш корхоналари маҳсулотлардан линт, улюк ва пух маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш, аҳолидан келтирилган чим пахталарни қайта ишлаш;**
- **Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;**
- **Аҳолига маиший хизмат турлари бўйича хизмат кўрсатиш;**
- **Аҳолига умумий овкатланиш хизматларини ташкил этиш.**
- **Савдо - сотиқ ва тижорат билан шуғулланиш ;**
- **Инвестиция фаолияти бўйича чет эл фирмалари билан қўшма корхона ташкил қилиш;**

Жамият асосий фаолияти пахта хом-ашёсини қабул қилиш, уни қайта ишлаш ва қайта ишланган маҳсулотларини сотишдан иборат. Мазкур битирув малакавий ишини ёритиш давомида корхона молиявий натижалига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги кунда жамият асосий фаолиятлари қаторида улгуржи савдо фаолияти билан ҳам шуғулланиб келинмоқда.

Жамиятда 2010 йил давомида тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар жамият томонидан тузилган ҳисобот маълумотларига асосан йил давомида сотилган тайёр маҳсулотлардан ва товарлардан олинган соф даромадлар 20063278,0 минг сўмни, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 638525,0 минг сўмни жами даромадлар 20701803,0 минг сўмни ташкил этган.

Ҳисобот бўйича сотилган тайёр маҳсулотлар ва товарлар таннари 18331100,0 минг сўми, давр харажатлари 1710258,0 минг сўми, жумладан сотиш харажатлари 49360 минг сўми, маъмурий харажатлар 104845 минг сўми, бошқа операцион харажатлар 1556053 минг сўми, молиявий фаолият бўйича харажатлар 51144 минг сўми, жами харажатлар 20570258,0 минг сўми ташкил этган.

Жамиятнинг асосий фаолият тури-пахтани қайта ишлаш. Бундан ташқари, имкон борича ва зарурият туғилган ҳолларда савдо фаолиятини ҳам амалга оширилади.

«Поп пахта толаси» ОАЖда пахтани қайта ишлаш натижасида тола, чигит, момиқ, толали улюг, калта тола момиғи, гардлар, пух ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ҳисоботда ишлаб чиқариш кўрсаткичи натура ва қиймат шаклларида акс этади. Жами корхона бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат қиймат шаклида ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил қилиш корхона томонидан ишлаб чиқиладиган буюм турлари номининг рўйхати-номенклатурасидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Уни тузиш асосида тайёр маҳсулотни туркумлаш, яъни ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган бир маҳсулот турини бошқа маҳсулотдан ажратиб турувчи маълум белгилари ётади. Номенклатура рўйхатини тузишда асос қилиб қуйидаги белгилар олинади: модел, фасон, артикул, марка ва ҳоказо. Ҳар бир маҳсулот турига номенклатура рақами бириктирилади ва у ҳар хил сонлардан иборат бўлади.

Маҳсулот номенклатурасидан (рўйхатдан) «Поп пахта толаси» ОАЖнинг қуйидаги хизматларида фойдаланилади:

- диспетчерлик хизмат тури маҳсулот ишлаб чиқариш графигининг бажарилишини назорат қилади;

- цехлар ишлаб чиқарилган маҳсулот аснавиментини қилишда, омборга тайёр маҳсулотни топширишда юк хати ёзиш учун фойдаланади;
- маркетинг бўлими-жўнатиш бўлими шартномаларини бажариш имкониятларини назорат қилиш учун;

Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулот сотади ва хизмат кўрсатади:

«Поп пахта толаси» ОАЖда тайёр маҳсулот ҳисобини аниқ ташкил қилиш мақсадида улар омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиб борилади.

Пировард, истеъмолга яроқли бўлган маҳсулот техник назорат бўлими томонидан текширилгандан сўнг омборга топширилади. Тайёр маҳсулотни омборга қабул қилишда топшириш накладнойи ёки маҳсулот топшириш қайдномаида расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, маҳсулотнинг номенклатура рақами, унинг сони, режа таннархи ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг имзоси кўрсатилади. Қабул ҳужжатлари асосида бухгалтерия маҳсулот топшириш қайдномаини юритади. Бажарилган иш ёки хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Омборларда маҳсулот ҳаракатининг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоб варақларда юритилади. Варақага ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида маҳсулот ҳаракати билан боғлиқ операциялар ёзиб борилади.

Жамиятда тайёр маҳсулотнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия усулида ташкил қилинади, яъни ҳар бир буюм номенклатура рақамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (№ М-17-шакл). Тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши ва четга берилиши биланоқ омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтер ҳар куни тугаган сутка учун омбордан қабул қилиш-топшириш накладнойи, буйруқ накладной, товар-транспорт накладнойи ҳужжатларни қабул қилиб олади.

«Поп пахта толаси» ОАЖда пахтани қайта ишлашдан тайёр маҳсулотлар чиқаради ва омборхонага қабул қилинади .

«Поп пахта толаси» ОАЖда тайёр пахта хом-ашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва уларни турларини қуйидаги 3-жадвал асосида кўриб чиқамиз.

«Поп пахта толасиси»ОАЖда 7 партиядаги пахтани қайта ишлашдан тайёр маҳсулотлар чиқарилиши ва омборхонага қабул қилиниши.

3-жадвал.

т/р	Маҳсулот номи	Режадаги меъёр бўйича маҳсулот		Ишлаб чиқаришдан олинган чиқди					
				Ҳақиқий вазн		Кондицион вазни			
						Пахтадан фойдаланиш таҳлил учун		Омборга кириш учун	
		вазн кг	Пахта Вазнига Нисбатан фоиз	вазн кг	Пахта вазнига нисбатан фоиз	вазн кг	Пахта вазнига нисбатан фоиз	вазн кг	Пахта вазнига нисбатан фоиз
	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Пахта толаси	30895	33,0	29589	29,32			30899	33,0
2	Чигит	49244	52,6	50020	50,57			50739	54,2
3	Пахта момиғи	2809	3,0	2474	2,50			2557	2,73
4	Улюк	936	1,0	176	0,18			176	0,19
5	Калта пахта момиғи	4681	5,0	4194	4,24			4194	4,48

6	Регенера цияланган тола								
7	Гардлар	5055	5.4	12457	12,59			5055	5.4
	Жами:	93620	100%	98910	100%			93620	100%

Жамиятда маҳсулот кирими ва чиқими билан боғлиқ операциялар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варақаларига ёзилганидан кейин бухгалтерияга топширилади. Бу ерда ҳужжатлар текширилади, гуруҳланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр маҳсулот ҳаракатининг пул шаклида ифодаланган ҳисоби омбор ҳисоби маълумотлари асосида бухгалтерияда юритилади

«Поп пахта толаси» ОАЖда ишлаб чиқариш натижаларини белгиланган комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва баённома тузилади.(4-чизмага қарқнг)

1 нав Ан-35 навли пахта хом-ашёсини қайта ишлаш натижаларини кўриб чиқиш қуйидаги ишлаб чиқариш топшириғи бўйича амалга оширилади.

4-жадвал.

**«Поп пахта толаси» ОАЖда 1.01.2010 йил ҳолатига ишлаб чиқариш
топшириғи №3/7**

Маҳсулот номи	Маҳсулот ишлаб чиқариш			
	Режа кг	Режа %	Амалда кг	Амалда %
Пахта толаси	30895	33,0	30899	33,0
Чигит	49244	52,6	50739	54,2

Пахта момиғи	2809	3,0	2557	2,73
Улюк	936	1,0	176	0,19
Калта пахта момиғи	4681	5,0	4194	4,48
Регенерацияланган тола				
Гардлар	5055	5.4	5055	5.4
Жами:	939620	100%	939620	100%

Жамиятда мазкур ишлаб чиқариш топшириғига асосан навли 1 нав 939620 кг миқдордаги пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш топшириғидан чиқарилади. Чиққан маҳсулотлар омборларга қабул қилинади.

Омбордан тайёр маҳсулот харидорларга корxonанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Маҳсулотни сотиш харидор корxonалар билан тузилган шартнома ва жўнатиш графигига мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш режасини бажаришда харидорларга жўнатилган маҳсулот ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни маҳсулот ортиб жўнатишдан юритиб то унинг учун харидорлардан пул келиб тушгунча бўлган товар маҳсулотнинг ҳаракатини доимий равишда кузатиб туриш керак. Бундай назорат ҳар бир дастлабки ҳужжат билан жўнатилган товар маҳсулот бўйича алоҳида юритилиб, шу маҳсулотнинг қачон ва кимга жўнатилганлиги, унинг йўлдаги ҳаракатига қанча вақт кетиши кераклиги ва ҳақиқатда қанча вақт кетганлиги, ва сотишга доир масалалар ҳақида хабардор бўлиб туриш имконини беради.

Маҳсулотнинг омбордан кетишини расмийлаштирувчи ҳужжат асосида харидорларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотга счёт, тўлов талабномаси

ёзилади ва товар олувчи корхонага хизмат қилувчининг банкига топширилади.

Унда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси. сони, аснавименти қайд қилинади (бу ҳолатда счёт-фактура, албатта, тўлов-талабномасида илова қилиниши лозим).

Жамиятда тайёр маҳсулотларни ҳаридорларга жўнатиш ҳаридор билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу шартномаларда жўнатиладиган маҳсулот муддати, миқдори, қиймати ва ҳисоб-китоб шартлари келтирилади. Жўнатилган маҳсулот счёт-фактура, чиқим ҳужжати, тўлов талабномаси ва бошқа ҳужжатларда расмийлаштирилади.

Жамиятда маҳсулотлар ҳаридорларга жўнатилганида жўнатилган товар қийматига қуйидагича проводка берилади:

Дт 9110—"Сотилган маҳсулотнинг таннари",

Кт2810—"Омбордаги тайёр маҳсулот".

Жўнатилган товарларнинг аналитик ҳисоби ўз вақтида банк инкассасига берилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича, тўлаш муддати етган ва тўлаш муддати етмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича алоҳида ҳисобга олинади.

Жамиятда тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счетида юритилиб, у мавжуд тайёр маҳсулотлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счётнинг дебитида омборга тушган маҳсулотлар, кредитида эса омбордан жўнатилган маҳсулотлар акс эттирилади.

Агар маҳсулотлар ҳаракатининг жорий ҳисоби режа таннарида юритилса, 2810- счётнинг дебитида иккита кўрсаткич режа таннари ва режа таннаридан фарқ суммаси ҳисобга олинади. Агар жорий ҳисобда корхонанинг улгуржи баҳолари қўлланилса, 2810 счётнинг дебитида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади: ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг

корхона улгуржи баҳоси ва улгуржи баҳо қиймати билан ҳақиқий таннархи орасидаги фарқи.

Жамиятда маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотиш ҳисоби 9010 -«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020 -«Товарларни сотишдан даромадлар» ва 9030- «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётларида юритилади. Ушбу счётлар транзит бўлиб, пассив счётларга мансубдир. Бу счётлар тайёр маҳсулотлар товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш жараёни тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счётларнинг кредит қолдиқлари молиявий натижани аниқлаш мақсадида ҳар ойнинг охирида 9910 -«Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиб борилади.

Ҳисоблаш усулида мол олувчиларга маҳсулот юклаб жўнатилганда, сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади: Дт 9110 -«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти, Кт 2810 -«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти.

Юклаб жўнатилган маҳсулотнинг шартнома (сотиш) қийматига, Дт 4010 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти, Кт 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти каби ёзув амалга оширилади.

Жамиятда юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16-қайдноманинг II-бўлимида юритилади. Бу қайдноманинг иккинчи бўлимида жўнатилган, сотилган маҳсулотлар, материал қийматликлар, хизматлар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ўз ифодасини топган. Жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар аналитик ҳисоби уларнинг натурал кўринишдаги турлари бўйича ёки тўлов ҳужжатлари бўйича икки баҳода – ҳақиқий таннархда ва сотиш нархида ташкил этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ой бошига ва ой охирига тўланмай қолган, ҳисобот ойида жўнатилган, харидорлар томонидан қайтарилган ва сотилган маҳсулотларнинг умумий миқдори ҳам ҳисобга олинади. Қайдноманинг II- бўлимини тўлдириш учун олдинги ойнинг қайдномаси (тўланмаган маҳсулотнинг ой бошига қолдиғи), тўлов ҳужжатлари, ҳисобот ойида жўнатилган маҳсулотларга буйруқ – накладнойлари, шунингдек, корхонанинг ҳисоб – китоб счётидан олинган банк кўчирмалари асос бўлиб ҳисобланади. Мол олувчи ҳисобидан чек билан тўланган темир йўл тарифи қайдномада алоҳида кўрсатилади, чунки у маҳсулот сотиш ҳажмига киритилмайди.

Қайдноманинг II- бўлимида қуйидаги маълумотлар ўз ифодасини топади: ой давомида омбордан юклаб жўнатилган маҳсулотларнинг аснавименти ва қиймати бўйича миқдори; транспорт харажатлари суммаси; ҚҚС суммаси; счёт – тўлов ҳужжатлари бўйича олишга тегишли сумма; харидорлар билан ҳисоб – китоблар ҳолати; маҳсулот учун ҳисобот ойида тушган суммалар тўғрисидаги маълумотлар ва транспорт харажатларини қопланиши ва бошқа маълумотлар. Қайдноманинг кўрсаткичлари катта оператив аҳамиятга эга, чунки ҳар куни юклаб жўнатилган, сотилган маҳсулотлар ҳажми тўғрисида маълумотлар қайд этилган бўлади. Бундан ташқари, шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳам назорат қилинади.

5-жадвал

«Поп пахта толасиси»ОАЖнинг 11 – мемориал–ордер шакли

(сўм ҳисобида)

№	Хўжалик муомалари	Дебет	Кредит	Сумма
1	Шўъба ва қарам хўжаликларга тайёр маҳсулотлар сотишдан	6120	9010	1975218281

	даромадлар тўланди.			
2	Шўъба ва қарам хўжаликларидан бюджетга тўловлар қарзи тўланди	6120	6410	1594490
3	Мол етказиб берувчиларга маҳсулот сотишдан даромаддан тўланди	6010	9010	124053044
4	Мол етказиб берувчилардан бюджетга тўловлар тўланди	6010	6410	24810069
5	Маҳсулот сотишдан ишчи хизматчиларга иш ҳақи тўланди	6711	9011	56092
6	Ҳисобдор шахсларга маҳсулот сотишдан қарзи тўланди	6970	9011	40904
7	Иш ҳақидан бюджетга тўловлар тўланди	6710	6410	11218
8	Ҳисобдор шахслардан бюджетга тўловлар бўйича қарзи тўланди	6970	6410	8181

«Поп пахта толаси» ОАЖ юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг турлари бўйича синтетик ҳисоби 11-мемориал–ордерида юритилади. Бу журнал-ордер 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 – сётларнинг кредит айланмаларини ва 9010, 9020, 9030-сётларининг аналитик маълумотларини ёзиш учун тайинланган. 11 - мемориал–ордер 15 ва 16 – қайдномаларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади. Қуйида «Поп пахта

толаси» ОАЖ 2010 йил ноябр ойи учун тузилган 11- мемориал–ордерининг шакли келтириб ўтилган.

11-мемориал–ордернинг аналитик маълумотлари бўйича фойда суммасига бухгалтерияда 15 - мемориал–ордерга ёзиш учун қуйидаги корреспондентланувчи счётларни кўрсатиб маълумотнома тузади: Д-т 9010, 9020, 9030- счётлар, К-т 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти.

2.2. Бажарилган иш ва хизматлар, уларнинг ҳисобини юритиш.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолият кўп қиррали ҳисобланиб, бунда бажарилган иш ва хизматлар кўрсатилишида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан иқтисодий муносабатларни олиб борадилар. Томонлар ўртасида тузилган шартномада бажариладиган иш (хизматлар) ҳажми бажариш ёки маҳсулотни етказиб бериш муддатлари ҳамда бажарилган иш ва хизматлар учун ҳисоб-китоб юритиш тартиби кўрсатилади.

«Поп пахта толаси» ОАЖда тузилган шартноманинг нусхаси ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи банкка тақдим қилинади. Демак, тузилган шартномалар асосидаги ҳисоб-китоблар банклар томонидан олиб борилади ва тўғрилиги назорат қилинади.

«Поп пахта толаси» ОАЖда бажарилган иш ва хизматларни амалга оширишда қуйидаги корхоналар билан шартномалар асосида ўзаро алоқада бўлади.

«Поп пахта толаси» ОАЖда 2010 йил давомида ҳисобот маълумот ларига кўра бажарилган ишлар ва хизматлар ҳажми 20063278,0 минг сўмни ташкил этган.

Жамият томонидан бажарилган иш, хизматлар учун қилинган харажат-

ларни ҳисобланганлиги ёки бажарилган иш ва хизматлар учун тушган суммалари бўйича ҳисоб-китоби ишлари тўғри ташкил қилинган.

“Поп пахта толаси” ОАЖда бажарилган иш ва хизматлар бўйича бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобни ташкил қилишда барча ҳисоб-китоб муомалалари учун хос бўлган умумий қоидаларига асосан ҳисоб юритилади. Поп пахта толаси» ОАЖда бажарилган иш хизматларни қуйидаги 6-жадвалда кўрсатиб ўтамиз.

6-жадвал

«Поп пахта толаси» ОАЖда 1.01.2011 йил ҳолатига ички тизим корхоналари тўғрисида маълумот

№	Корхоналар номи	Дебет	Кредит
1	Наманган таъминот МЧЖ		291494
2	Чортоқ машинасоз Мчж		10444045
3	Косонсой птз	57630	
4	Чуст птз	12454	
5	Наманган-3 ПТЗ		226341
6	Гулбоғ ПТЗ		348670
7	Уйчи ПТЗ	94565	
8	Норин ПТЗ		4626
9	Уйчи нотўқима мато МЧЖ	25000	
10	Патуф ПТЗ		89155

1	1	Учқўрғон ПТЗ		89155
2	1	Пахтаобод ПТХЖ		26571
3	1	Кўқон ПТЗ	19287	
4	1	Наманган МЧЖ		176028
5	1	Наманган Пахтасаноат ХАБ	6139055	
		ЖАМИ	6347991	

Жамиятда ҳисоб-китоб маълумотлари баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотларига мос равишда амалга оширилади.

Хозирги шароитда бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб борилиши биринчидан шартнома шартларини таъминласа, иккинчидан корхоналарни харажатларини камайтиришга олиб келади.

Биз ўрганётган “Поп пахта толаси” ОАЖда бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шаклидан фойдаланилади. Бунда бажарилган иш ва хизматларни №6, 8 ва 11 - мемориал-ордерлар асосида юритилади.

Бундан ташқари жамиятда бухгалтерия ҳисобин юритишда компьютер дастурларидан фойдаланилади. Бунда бажарилган иш ва хизматларни 3110-3190, 4010, 4020, 4110, 4120, 4210, 4310, 4320, 4410, 4510, 4550, 4610, 6410, 6450, 6310, 6320, 6390, 6510, 6530, 6810-6890, 6520 счётлар бўйича дебет ва кредит айланмалар ҳамда қолдиқларининг босмадан чиқарилган варағи , аналитик қайдномалар ва Бош дафтар (айланма-қолдиқли қайднома), сотишга

доир реестрлар ва дафтарлардан фойдаланилади.

Шунингдек, корхона бухгалтериясида бажарилган иш ва хизматларини расмийлаштириш ва акс эттириш бўйича дастлабки ҳужжатлар белгиланган меъёр ва қонунга асосан юритилади. Масалан, шартномалар (олди-сотти, етказиб бериш, комиссия, пуллик хизмат, пудрат ва ҳоказо), товар-транспорт накладнойлари, счётлар, счёт-фактуралар, жўнатувчи ҳужжатлар, бажарилган ишлар далолатномаси, банк ҳужжатлари (банк кўчирмалари ва бошқа дебитор ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китобларни инвентаризация қилиш далолатномаси.

“Поп пахта толаси” ОАЖда бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҳисоб-китобларга доир қарздорликлар баҳолашда уларнинг вужудга келиш муддатлари бухгалтерия томонидан назорат қилинади.

Жамиятда бажарилган иш ва хизматларни ҳисобга олишда мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар қолдиқларининг ҳаққонийлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Поп пахта толаси» ОАЖда мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан бажарилган иш ва хизматлар бўйича доир муомалалар қуйидаги йўналишлар асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

-шартномалар ва уларни расмийлаштирилишини ҳисобга олиш;

-бажарилган иш, хизматлар тўлиқлиги ва кирим қилинишини ҳисобга олиш;

-моддий қийматлик(иш. хизмат)лар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳақ тўланишини ҳисобга олиш.

«Поп пахта толаси» ОАЖда бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҳисобга олишда улар тўлиғича баҳоланиб, ҳисоб регистрларида акс эттириллиб борилади.

Корхонада дастлабки ҳужжатлар маълумотларини шартномалар, буюртмалар, счёт-фактуралар ва лойиха-смета ҳужжатларининг маълумотлари билан солиштириш натижасида олинган моддий қийматлик(иш, хизмат)ларни кирим қилишнинг тўлиқ расмийлаштирилиб борилади.

Жамиятда бажарилган иш ва хизматлар бўйича дастлабки ҳужжатларни ҳисобга олишда барча ҳисоблашув-тўлов ҳужжатларида ҚҚС суммасининг алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилади. Корхона бухгалтери томонидан ушбу талабларга риоя қилинишини ҳисобга олиш натижасида бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҚҚС ни ҳисобга олишнинг асосланган ҳолда олиб борилади. Унинг қопланиши тўланган, кирим қилинган ва ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатилган қийматликлар бўйича амалга оширилади.

Жамиятда қарздорликларнинг ўзаро ҳисоблашиш тартибида қопланишини ҳисобга олиш натижасида, бухгалтерия томонидан ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос (шартнома, томонлардан бирортасининг ўзаро ҳисоб-китоблар тартибидаги тўловни амалга ошириш тўғрисидаги илтимосномаси) мавжудлигини, қарз суммаси ва қоплаш санасини, ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттирилиб борилади.

Бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш якунида, корхона бухгалтери томонидан бажарилган ҳисоб-китоб ишлари дастлабки ҳужжатлар бўйича ҳисоб регистрларида умумлаштирилади.

№21-БХМСга мувофиқ жўнатилган маҳсулот, материал, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун бажарилган иш ва хизматлар олиб бориладиган ҳисоб-китоблар 4010 - «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 6310- «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар», 9010 - «Маҳсулотлар сотишдан олинган даромадлар», 9020 - «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 - «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар», 9110 - «Сотилган

маҳсулотлар таннархи», 9120 - «Сотилган товарлар таннархи», 9130 - «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи», счётларида ҳисобга олинади. Корхона бухгалтери томонидан 4010-«Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 4020-«Олинган векселлар» ва 6310-«Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётлари бўйича ҳисоб юритиш ва назоратнинг ҳолати ҳамда қолдиқларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш натижасида ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича муомалаларнинг ҳисоблаб чиқилади. Бу счёт бўйича айланмаларни ҳисобга олишнинг муҳимлиги корхона фаолиятини баҳолайдиган асосий кўрсаткич - товарлар, маҳсулотлар, иш ва хизматларни сотишдан олинган даромад кўрсаткичи бўйича ахборотларни шакллантириши билан изоҳланади.

Жамиятда бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларга доир муомалаларни ҳисобга олишда 4010, 4020 ва 6310 счётлар ҳисоб регистрлари маълумотларининг Бош дафтар ҳамда ўзаро алоқадор ҳисоб регистрлари маълумотлари билан бир-бирига мос равишда олиб борилади. Бунда асосан 4010- счёт дебети бўйича ёзувлар 9010, 9020, 9030, 9210, 9220-счётларнинг кредити бўйича ёзувлар билан солиштирилади. Агар қонун ёки олди-сотти шартномасида товарга мулкчилик ҳуқуқининг махсус тартиби кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда умумий қоида бўйича мулкӣ ҳуқуқ мол етказиб берувчидан ҳаридорга товарни жўнатиш вақтида ўтади ва дебет 4010-«Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» ва кредит 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»счёти ёзуви билан акс эттирилади. Бундай ёзув солиққа тортиш мақсади учун қандай ҳисоб тартиби - «тўлов бўйича» ёки «жўнатиш бўйича» қабул қилинганидан қатъий назар амалга оширилади. Дастлабки ҳужжат ва 4010-счётнинг ҳисоб регистри бўйича маҳсулот жўнатилган санани таққослаш орқали муомалаларнинг ўз вақтида акс эттирилиб борилади.

«Поп пахта толаси» ОАЖда тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар, олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтарилиши, сотиш нархларидан чегирмалар тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги: 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромад», 9020 «Товарлар сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар», 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» ва 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётларда акс эттирилади.

Юқорида келтирилган 9010, 9020 ва 9030- счётлар транзит счётлар ҳисобланиб, кўпайиши кредитида, камайиши дебитида акс эттирилади. 9040 ва 9050 счётлари контрпассив счёт бўлиб 9010, 9020 ва 9030- счётлар суммасини тузатиб туради. Бу счётларда қуйидагиларни сотишдан тушган соф тушум акс эттирилади: саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ва ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот; саноат тусидаги ишлар ва хизматлар; саноат тусига эга бўлмаган ишлар ва хизматлар; сотиб олинган буюмлар (бутлаш учун сотиб олинган); қурилиш монтаж, лойиҳа-қидирув, геология-қидирув, илмий тадқиқот ва бошқа шунга ўхшаган ишлар; савдо, таъминот корхоналарининг товарлари; транспорт ташкилотларининг юк ва одамлар ташиш бўйича хизматлари; енгил автомашиналарни ижарага бериш ва автомашиналарни хайдаб олиб бориб бериш хизматлари; транспорт - экспедицион ва юклаш - тушириш операциялари; алоқа корхоналари хизматлари.

9010, 9020 ва 9030- счётларининг кредитида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ва 4110 «Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар» счётларининг дебити билан корреспондентланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятидан олинган даромадлар акс эттирилади.

«Поп пахта толаси» ОАЖда мол юборувчи ва буюртмачиларга юклаб юборилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) бўйича тақдим этилган

ҳисоб ҳужжатлари суммасига 4010 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти дебетланиб, 9010, 9020 ва 9030 - счётлар кредитланади.

Жамиятнинг якуний баланс фойдаси (зарари) ҳисобот даврининг охирида 9910 «Якуний молиявий натижа» счётида аниқланади. 9010, 9020 ва 9030- счётларнинг кредит қолдиқлари ҳисобот даври охирида 9910- счётга ўтказилади: Дт 9010, 9020, 9030 – счётлар, Кт 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти.

9040 ва 9050- счётлари сотилган товарларни қайтарилиши, шартнома шартларига биноан сотишдан чегирма, шунингдек сотилган маҳсулотдан брак аниқланиши натижасида нархидан чегирма ва шу кабиларни ҳисобга олиш учун белгиланган. Бу счёт контрпассив бўлиб, уларнинг дебет айланмалари сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) дан тушган тушум суммасидан ҳисобот даври охирида қуйидаги ҳисобдан чиқарилади: Дт 9010, 9020 ва 9030-счётлар, Кт 9040 ва 9050-счётлар.

9040 «Сотилган товарларнинг қайтиши»-счётининг дебетида операциялар қуйидаги ҳолларда акс эттирилади: буюртмачи ва харидорларга ушбу товарлар қиймати қайтарилганда: Дт 9040 «Сотилган товарларнинг қайтиши», Кт 5010, 5110, 5210- счётлар.

Қайтарилган товарлар бўйича дебитор қарзи бекор қилинганда, Дт 9040 «Сотилган товарларнинг қайтиши», Кт 4010 «Ҳаридор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

Бунда қайтарилган товарлар бўйича олдин ҳисобланган ҚҚС ва акциз солиғи суммасига қуйидагича расмийлаштирилади: Дт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)», Кт 5110 «Ҳисоб - китоб счёти» ёки 4010 «Ҳаридор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

Қайтарилган маҳсулот ва товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилади: Дт 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» ёки 2910 «Омбордаги товарлар», Кт 9119-9130-счётлар.

Шартнома шартларига биноан сотишдан чегирма, шунингдек сотилган маҳсулотдан брак аниқланиши натижасида чегирма берилса, қуйидагича расмийлаштирилади, Дт 9050 «Ҳаридорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар», Кт 4010 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти.

Сотилган тайёр маҳсулот (товарлар иш ва хизмат)лар таннархи тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счётларда акс этирилади: 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» ва 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётлари. Бу счётлар транзит ҳисобланиб актив счётларга мансуб. Уларнинг дебети кўпайишини, кредити эса камайишини кўрсатади. Бу счётларда ҳисобот даврининг бошига қолдиқ қолмайди.

Корхоналарда мол ҳаридорларга жўнатилган маҳсулот (иш ва хизмат)лар учун ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилишига қараб жўнатилган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархига 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти кредитланиб, 9110 ёки 9130 счёти дебетланади.

Жамиятда сотилган маҳсулот (иш ва хизмат) ларнинг ҳақиқий таннархи фақат календар йилининг охирида бир марта аниқланганлиги учун 9110 ва 9130- счётларнинг дебетида йил давомида сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг режа таннархи акс этирилади. Йил охирида маҳсулот (иш ва хизматлар)нинг ҳақиқий таннархи билан режа таннархи орасидаги фарқи тегишли счётларга ўтказилади. Бунда қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» ёки 2820 «Кўрғазмадаги тайёр маҳсулотлар» - омбордаги ёки кўрғазмадаги тайёр маҳсулотга тегишли фарқ

суммасига, Дт 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннархи», 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» - сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларга тегишли фарқ суммасига, Кт 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

Агар бу фарқ суммаси ортиқча қилинган харажатни кўрсатса, юқоридаги бухгалтерия ўтказмалар оддий сиёҳда, аксинча, тежалган суммани кўрсатса - қизил сиёҳда сторно қилиб режа таннархи ҳақиқий таннархга етказиб қўйилади.

Ҳисобот даври охирида 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннархи», 9120 «Сотилган товарлар таннархи» ва 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счётларининг дебет айланмалари якуний молиявий натижа счётига ўтказиш йўли билан ҳисобдан чиқарилади. Бунда қуйидагича расмийлаштирилади: Дт 9910 «Якуний молиявий натижа», Кт 9110, 9120 ва 9130 счётлари.

Шундай қилиб, 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетида ҳисобот даврида сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг ҳақиқий таннархи, кредитида эса маҳсулот, ишлар ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум акс эттирилади. Ушбу муомалалар бўйича 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет ва кредит айланмаларини таққослаш натижасида ҳисобот давридаги маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) аниқланади.

Ҳаридорларга маҳсулот юклаб жўнатилган пайтда ҳисоблаш усули билан қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

- Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига:

Д-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»,

К-т 2810 «Тайёр маҳсулот»

-савдода юклаб жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархига:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»,

К-т 2910 «Товарлар»

-бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг хақиқий таннархига:

Д-т 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Ҳисобот даврининг охирида сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағига қуйидаги ўтказмалар билан ёпилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»

К-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

К-т 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»

2.3.Сотилган маҳсулотларни молиявий ҳисоботларда акс этириш

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган режаларни бажарилиши корхоналарни сифат кўрсаткичлари бўлмиш таннархи, меҳнат унумдорлиги, айланма маблағларини айланиш тезлиги ва ҳакозолар кўрсаткичларига таъсир этади.

Жами корхона бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат қиймат шаклида ҳисобланади. Ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгиланган номенклатура, аснавиментда сифатли бажариши лозим.

«Поп пахта толаси» ОАЖда фаолиятининг молиявий натижасини таърифловчи синтетик кўрсаткич бўлиб баланс (ялпи) фойда ва зарари

ҳисобланади ва Низомга асосан тартибга солинади. Ушбу Низомнинг аҳамияти беҳад катта бўлиб у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счётида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради; фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиш учун молиявий ҳисоботнинг аҳамиятини оширади.

Низомга кўра, бир томонидан корхоналарга ҳисобот даври ичида содир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб топшириш имкониятини яратади. Бунда давлат ўз ваколатли органлари орқали солиқ ҳисоботини тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эга.

Агар солиқ қонунчилиги корхона фойдаси ва рентабеллигини аниқлашда тадбиркорлик – барча даромадлардан барча харажатларни чиқариб ташлаш – қонунига амал қилганда осон бўлар эди. Лекин давлатнинг солиқ сиёсати фақат солиқ ҳисоблаш ва уни бюджетга ўтказиб олишнигина инobatга олмайди, балки солиқ сиёсати рағбатлантирувчи характерга эга, хўжалик юритишнинг рационал усулини рағбатлантиради ва ресурслардан қонунсиз фойдаланишни жазолайди. Солиқ сиёсати маълум ижтимоий мақсадни ҳам кўзлайди, янги ҳудудларни ўзлаштиришга ундайди ва ҳ. к.

Демак, солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқиш учун бу харажатларни солиққа тортиладиган фойдага қайтадан қўшиш керак. Бунинг натажасида жамиятда қуйидаги маълумотларга эга бўлади:

- қанча ва корхонанинг қайси бўлинмаларидан ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқарув фаолияти натижасида фойда олинади;
- корхонанинг якуний фаолиятига давлатнинг солиқ сиёсати қанчалик таъсир қилганлиги;
- пировард натижада корхона бюджетга қанча пул ўтказиб бериши.

Шундай қилиб, жамиятда ахборотларни йиғиш босқичида хўжалик фаолияти натижаларига таъсир этувчи ташқи (солиқ) ва ички омилларга бўлиш имкониятини берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимига эга бўлади. Демак, бу омилларга жавобан асосланган сиёсат ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда айтилганидек, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижасида корхона томонидан даромад қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс эттирилади: сотишдан олинган соф тушум; асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; фавқулодда фойдалар.

Бизга маълумки молиявий натижаларнинг шаклланиши бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг 9- бўлимида ҳисобга олинади.

“Поп пахта толаси” ОАЖда сотишдан олинган соф тушум янги счётлар режаси бўйича 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счётининг кредитидан олинади. Унга товарларни қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушум товар (базарилган иш ва хизматлар) ни юклаб жўнатилишига ва харидорларга ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилишига қараб аниқланади. Тақдим этилган ҳисоблашиш ҳужжатларига қараб молиявий натижаларни аниқлаш услуги бозор иқтисодиётидаги мамлакатларга хос. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари молиявий натижаларни айнан шундай тартибда шакллантиришни талаб қилади.

Маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотишдан олинган ялпи фойда ва зарар ҳисобот даври охирида сотишдан тушган соф тушум билан сотилган маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи орасидаги фарқи миқдорида аниқланади.

Шундай қилиб, 9910 «Яқуний молиявий натижа» счётининг дебетида ҳисобот даврида сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг ҳақиқий таннархи, кредитида эса маҳсулот, ишлар ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум акс эттирилади. Ушбу муомалалар бўйича 9910 «Яқуний молиявий натижа» счётининг дебет ва кредит айланмаларини таққослаш натижасида ҳисобот давридаги маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) аниқланади.

Корхона томонидан олинган фойданинг таркибини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки қайси фаолият туридан корхона фойда олаётганлиги ва қайси фаолият туридан зарар кўраётганлигини билиш корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ўзининг таъсирини ўтказади.

1. Фойданинг қуйидаги турлари бор:
2. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;
3. Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда (операцион фойда);
4. Молиявий фаолиятдан олинган фойда;
5. Фавқулодда олинган фойда;

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан таснифланади:

◆ маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$ЯФ = ССТ - ИТ$$

бунда, ЯФ - ялпи фойда; ССТ - сотишдан олинган соф тушум; ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

◆ асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий

фаолиятдан

кўрилган бошқа даромадлар ёки бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$АФФ = ЯФДХ+БД-БЗ,$$

бунда, АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда; ДХ - давр харажатлари; БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

◆хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарарлар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар **ва**

минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ+МД-МХ,$$

бунда, УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ - молиявий фаолият харажатлари;

◆солиқ тўлагунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятларда кўрилган фойда ва минус фавқулодда зарар сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ+ФП-ФЗ,$$

бунда, СТФ - солиқ тўлагунгача олинган фойда; ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда; ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

◆йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФдС-БС,$$

бунда, СФ - соф фойда; ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ; БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Бухгалтерия ҳисоботини иккинчи шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоб»дир. Бу шаклни ўзига хос хусусияти шундаки бунга

маълумотлар бевосита махсус ҳисобларни талаб қилади, иккинчидан тегишли баланс моддасида кўрсатилмайди. Масалан, жами сотилган маҳсулот ҳажми ва уни сотиш олиш баҳоси ёки ялпи даромад суммалари баланс моддаларида кўрсатилмаса ҳам бошқа кўрсатмаларни аниқлашда ишлатилади.

Молиявий натижани аниқлашда маҳсулотни счёtdан олинган даромад, яъни ялпи даромаддан қилинган харажатлар чиқариб ташлангандан қоладиган сумма назарда тутилади. Жамиятда корхона молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан олдин, унинг Низоми, ташкил қилиш билан боғлиқ барча таъсис ҳужжатларида олинган фойдани сарфланиши тўғрисида тегишли маълумотлар қайта кўриб чиқилади.

Молиявий натижаларни аниқлаш тармоқлар бўйича бир-биридан фарқ қилиниши мумкин. Молиявий натижалар тўғрисида 2-шаклни тузишда қуйидаги тартибда ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади.

Шакл-2 «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботни тузиш учун бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг кўрсаткичлари асос қилиб олинади. Ҳисобот шаклининг 010 сатрида ўтган йилдаги даромадлар ва ҳисобот йилидаги даромадлар кўрсатилади, 020 сатрида сотилган маҳсулот (товар, ишва хизматлар) таннари кўрсатилади. Сатр 010 дан сатр 020 айриб ташланса, 030 – сатр суммаси яъни маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда кўрсатилади. 030- сатр кўрсатилган ялпи фойда суммасидан 040- сатрда кўрсатилган давр харажатлари ва 050-сатрда кўрсатилган маъмурий харажатлар айрилиб, 090- сатрдаги асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари кўшилса, 100-сатр асосий фаолиятни фойдаси келиб чиқади, яъни 030-040+ 090 сатрда кўрсатилган суммалар. 100- сатрда кўрсатилган асосий фаолиятни фойдасига бошқа даромад манбалари, жумладан, 120-сатрдаги дивидентлар шаклдаги даромадлар, 130- сатрдаги фоиз шаклдаги даромадлар кўшилиб, 110-сатрдаги молиявий фаолият даромадлари ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳисобот шаклидаги 220- сатр умумхўжалик фойдасини Аниқлаш учун 100- сатрдаги асосий фаолиятдан олинган фойдага қўшамиз 110- сатр молиявий фаолиятдан олинган фойдани, айримиз 170- сатрдаги молиявий фаолият бўйича қилинган харажатларни 220-сатрдаги умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага қўшамиз 230- сатрдаги фавқулоддаги фойда суммасини у ҳолда 240- сатр, яъни даромад солиғи тўлагунга қадар фойда суммаси Аниқланади. Бу сатрдаги суммадан 250-сатр даромад солиғи суммасини, 260- сатрдаги фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар чиқарилгандан кейин (240-250-260) ҳисобот даврининг соф фойдаси 270-сатр суммаси аниқланади. (маълумотлар илова қилинади)

III-Бўлим. Сотилган маҳсулот(иш,хизмат)ларнинг аудити

3.1. Сотилган маҳсулот(иш,хизмат)ларнинг таҳлили

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенг кўламда кенгайтириш ва уларни ривожланиши долзарб вазифалардан бирига айланди.

«Поп пахта толаси» ОАЖ асосий фаолиятида хусусан, сотишдан келган тушум, харажатлар, ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот ҳажми-дир. Бу жамият иш фаоллигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Сотиш ҳажмининг ўсиш суръатига кўпгина кўрсаткичлар таъсир кўрсатади. Буларга маҳсулотнинг сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш ва унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил

охирига бўлган қолдиғи каби омиллар киради. Шулар ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар балансини тузиш керак. Уни қуйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин.

$$T_1 + M = P + T_2$$

Бу ерда: T_1 – сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига бўлган қолдиғи;

M – жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотнинг ҳажми;

P – жорий йилда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми;

T_2 – сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи.

Товар балансининг элементлари бир-бири билан узвий равишда боғлиқ. Агар режага нисбатан йил бошига бўлган қолдиқ кўп бўлса, у ҳолда шу фарққа нисбатан сотиш ҳажми ошади. Аксинча, сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи камайса, у ҳолда сотиш ҳажми ошади.

Сотиш ҳажмининг ўзгаришига товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотилмаган маҳсулотларнинг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Энди юқоридаги берилган тенгликдан сотиш жараёнини қуйидагича ифода этиш мумкин:

$$P = T_1 + M - T_2$$

Жамият раҳбарлари бундай қарор қабул қилаётганда бозорни маркетинг жихатдан пухта тадқиқ қилган ҳолда, маҳсулот миқдори, сифати ва таннари жихатдан ўз имкониятларини ўрганиб чиқади ва бизнес-режа тузадилар.

«Поп пахта толаси» ОАЖ да сотилган маҳсулот(иш, хизмат)ларни ўрганишда молиявий, статистик ва оператив ҳисоботлар маҳсулот сотиш кўрсаткичлари асосида таҳлил қилинади. Шунингдек қуйидагилар асосий манбалар ҳисобланади:

- бизнес-режа маълумотлари;

- сотиш жараёнлари бўйича дастлабки бухгалтерия ҳисоби маълумотлари;
- маҳсулотнинг сифати ва нави бўйича статистик маълумотлар;
- “Бухгалтерия баланси” маълумотлари;
- “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотлари;

Бугунги кунда корхоналарнинг ривожлантириш истиқболи бу маҳсулот сотиш даражаси билан, сотилишдан олинган тушум билан ўлчаниш мақсадга мувофиқдир. Айтиш керакки корхоналарнинг молиявий натижаларини барқарорлашувида икки омилга яни ички ва ташқи омилга алоҳида эътибор беришни унинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашдаги алоқаларини тўғри таҳлили талаб қилинмоқда.

Шунинг учун «Поп пахта толаси» ОАЖ да сотилган маҳсулот(иш,хизмат)ларни таҳлил қилишда йиллик ҳисоботнинг 2- шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисобот маълумотлари асосида сотишдан тушган ялпи молиявий натижанинг таҳлилини 7-жадвал асосида кўриб чиқамиз.

7-жадвал

«Поп пахта толаси» ОАЖнинг сотишдан тушган ялпи молиявий натижанинг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йил	Фарқи (+,-)	Ўтган йилга нис ўзгариш
	1	2	3	4
Маҳсулот (товар, иш хизмат)ларни сотишдан соф тушум	21937233	20063278	-1873955	91.5
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	19870793	18331100	-1539693	92.2

Маҳсулот (товар, иш хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда (сатр 010 -020)	2066440	1732178	- 334262	83.8
--	---------	---------	----------	------

Жадвалдан кўринишича, жамиятда жорий йилда барча маҳсулот(иш, хизмат)ларни сотиш кўрсаткичлари бўйича ўтган йилга нисбатан камайган. Бунда ушбу кўрсаткичлар бўйича бажарилиши турлича. Маҳсулот (товар, иш хизмат)ларни сотишдан соф тушум бўйича ўтган йилга нисбатан 1873955 минг сўмган кам ёки 91.5фоизга бажарилган, у ҳолда Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи ўтган йилга нисбатан 1539693 минг сўмга ёки 9.2 фоизга қисқарган.Ўз навбатида Маҳсулот (товар, иш хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда ўтган йилга нисбатан - 334262 минг сўмга ёки 83.8фоизга бажарилган.

«Поп пахта толасиси»ОАЖда маҳсулот (товар, иш хизмат)ларни сотиш кўрсаткичларини бошқача усулда таҳлил қилиб ўтамыз.

8-жадвал

«Поп пахта толасиси»ОАЖда маҳсулот (товар, иш хизмат)ларни сотиш харажатлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Мингсўм	%	Минг сўм	%	сўмда	%	Йил бошиг а нис- бат
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8

Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) лар таннархи	19870793	91.6	18331100	91.5	-539693	-0.1	-7.7
Давр харажатлари, жами	1817017	8.40	1710258	8.51	-106759	+0.11	-5.9
Шужумладан							
Сотиш харажатлари	40140	0.18	49360	0.25	+9220	+0.07	+229
Маъмурий харажатлар	118445	0.52	104845	0.55	-13600	+0.03	-11.5
Бошқа операцион харажатлари	1658432	7.7	1556053	7.8	-102379	+0.1	-6.1
Жами	21687810	100	20041358	100	-115979		-0.5

Юқорида биз жамиятда Маҳсулот (товар, иш хизмат)ларни сотишдан соф тушум ўтган йилга нисбатан 9.5 фоизга камайганлигини кўриб ўтган эдик Навбатдаги жадвалда эса йил давомидаги сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи ва давр харажатларини тахлил қилиб ўтамыз.

Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи ўтган йилга нисбатан -1539693 минг сўмга ёки 7.7 фоизга камайган бўлса ва ўз навбатида харажатлар салмоғига нисбатан 0.1фоиз қисқарган. Давр харажатлари ўтган йилга нисбатан 106 759 минг сўм ёки 5.9 фозга қисқарган бўлсада, лекин харажатлар салмоғи бўйича +0.1 фоизга кўпайган. Шу жумладан сотиш харажатлари харажатлари ўтган йилга нисбатан 9220 минг сўмга ёки 22.9фоизга шунингдек харажатлар салмоғи ўтган йилга нисбатан 0.07фоизга ошиб кетган. Бундан ташқари маъмурий харажатлар салмоғи ҳам 0.1 фоига кўпайган. Демак корхонада ўтган йилга нисбатан Маҳсулот (товар,

иш хизмат)ларни сотишдан соф тушум камайганлиги ҳисобга олмаган ҳолда харажатларни оширилишига олиб келинган. Бундан шундай хулосага келиш мукинки жамиятда биринчи навбатда давр харажатларини шунингдек сотиш ва маъмурий харажатларини қисқартириш йўлларини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси билан сотиш режасининг бажарилиши ўртасида ўзаро боғлиқлик талаб этилгандагина жамиятнинг молиявий ҳолати яхшиланди, иқтисодий кўрсаткичлар ўзининг самарасини беради. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилишини бирламчи тахлилида тахлилнинг баланс усулидан фойдаланиш мумкин.

Агар ҳисобот даврининг бошига бўлган қолдиқ билан охириги қолдиқ ўртасидаги фарқ суммаси охириги қолдиқнинг ўсиб бориши билан боғлиқ бўлса маҳсулот сотишда йўл қўйилан ёки ишлаб чиқаришга талаб камайган деб айтиш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасини бажарилишини баланслик усулида таҳлил қилиш бу умумий ҳолатни белгилашда аниқ маълумотлар беради. Бу ерда фақат ўзаро боғлиқ бўлган иккита омил яъни тайёр маҳсулот қолдиқлари ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот суммаси ўрганилади. Жамиятда бизнес режасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режалари уларнинг турлари бўйича кўрсатилади.

3.2 Сотилган маҳсулот(иш, хизмат)лар аудити.

Корхоналарда сотилган маҳсулот(иш, хизмат)лар аудитнинг энг асосий объектларидан бири ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича ҳисоб юритилиши ҳолатини текшириш бўйича маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Тайёр маҳсулотни омборда ҳисобга олиш бўйича варақалар, прејскўрантлар, маҳсулотни етказиб бериш тўғрисида шартномалар, счёт-фактуралар, сотиш бўйича дафтарлар, тайёр маҳсулотни бериш тўғрисида юк хатлари, ҳаридорлар ишончномалари, тушум келиб тушганлиги тўғрисида дастлабки банк ва касса хужжатлари (тўлов талабномалар, талабнома-топшириқномалар, касса кирим ва чиқим ордерлари ва бошқалар) 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”, 2910 “Омбордаги товарлар”, 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан дароматлар”, 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”, 5010 “Касса”, 5110 “Ҳисоб-китоб счети”, 4010 “Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”, 6310“ Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар” ва бошқа счётлар бўйича ҳисоб регистрлари (рўйхатномалар, мемориал-ордерлар, машинограммалар), Бош китоб, “ Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” (2-сонли шакл) ва бошқалар.

Албатта аудитор томонидан сотилган маҳсулот(иш,хизмат)лар аудитини ўтказишдан олдин бир қатор вазифалар белгилаб олинади. Сотилган маҳсулот(иш,хизмат)лар аудитининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарилиши, жўнатилиши ва сотилишини хужжатларда тўғри расмийлаштиришни текшириш;
- тайёр маҳсулот омборда сақланишини таъминловчи шароитларни аниқлаш; тайёр маҳсулотни ҳақиқий таннархини аниқлигини текшириш;
- тайёр маҳсулот сотилишини тўғри ҳисоблаш;
- сотилган тайёр маҳсулотдан олинган молиявий натижаларни тўғри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

«Поп пахта толаси» ОАЖ билан аудиторлик фирмаси ўртасидаги ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлар улар ўртасида тузиладиган шартномалар орқали тартибга солиб борилади. Аудиторлик шартномаси аудит ўтказишга асос ҳисобланиб, савдо корхонаси ва аудиторлик фирмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодаловчи ҳуқуқий хужжат ҳисобланади. Аудиторлик

шартномаси қанчалик тўғри ва асосли тузилган бўлса, унинг самараси шунчалик юқори бўлади.

Аудиторлик шартномасини тузишда маълум кетма-кетликка риоя қилиш лозим. Текширувдан аввал савдо корхонасининг фаолияти аторфлича ўрганилади, аудитнинг мақсади, вазифалари ва объекти аниқланади.

Корхона билан шартнома тузилгандан сўнг албатта аудитор томонидан аудиторлик текшируви дастури ишлаб чиқилади.(иловага қаралсин)

Текширув жараёнида аудитор қуйидаги масалаларни ҳал этади:

- тайёр маҳсулотни баҳолаш бўйича усул асосли танлаб олинганлиги ва тўғри қўлланилаётганини тасдиқлаш;
- тайёр маҳсулот тўлиқ қилинаётганлигини аниқлаш;
- жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар ҳажмларини тасдиқлаш;
- жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар таннархини тасдиқлаш.

Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сарфлар ва харажатлар: бошқарув харажатлари, маҳсулоти сотиш харажатлари ва бошқа умум хўжалик харажатлари давр харажатлари деб тушунилади.

Давр харажатларини текшириш, уларни таркибини тўғри аниқлашдан бошланади. Чунки баъзида ишлаб чиқаришга таъллуқли харажатлар давр харажатлари таркибида ҳисобга олиниши зарур-бўлган харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига қўшилиб кетиши мумкин. Бу эса ишлаб чиқариш таннархини ўзгартиришга олиб келади.

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатларни текшириш ушбу маҳсулотни ўраш, сақлаш, ташиш харажатлари меъёр чегарасидан чиқмаслиги, уларни тўғри расмийлаштириш ва ҳисобга олишни аниқлашдан иборатдир.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш аввалдан тузилган буюртма ва шартномалари асосида амалга оширилиши керак. Шартнома ва буюртмаларсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот омборларни товарлар билан тўлиб ётиши, хўжалик маблағларни секинлик билан айланиши натижасида молиявий аҳволни мураккаблашишга олиб келиши мумкин.

Ҳаридорлар билан тузилган шартномалар, маҳсулот ишлаб чиқариш режалари маълумотлари асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни турлари ва аснaвaменти бўйича таққосланади.

Текшириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бир меъёрада амалга оширилиши аниқланади. Бунинг учун корхонада ишлаб чиқарилган режа ва графиклардан фойдаланади. Текширув вақтида мазкур режалар маҳсулот жўнатилиши муддатлари билан келишилганлигини аниқланади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишининг бухгалтерия ҳисоби текширилганда ишлаб чиқаришдан қабул қилинган тайёр маҳсулотни ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлигига аҳамият берилади. Баъзи ҳолларда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда қабул қилинишини акс эттирувчи далолатнома ва юкхатиларга ишлови тўлиқ берилмаган, технологик жараёнлари тугатилмаган, ҳужжатларда тўлиқ акс эттирилмаган буюмлар киритилади.

Аудиторлик тешируви даврида аудитор томонидан моддий жавобгар шахс ҳисобидаги моддий бойликлар қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланиб кўрилади. Агарда бу маълумотлар орасида фарқ бўлса, хўжалик бош бухгалтери орқали унинг сабаблари аниқланади ва моддий бойликларнинг инвентаризация бошланиш вақтигача бўлган қолдиғи аниқ ҳисоблаб чиқилади. Бу маълумотлар инвентаризация натижалари билан солиштириб кўриш учун фойдаланилади. Инвентаризациянинг тўлиқлигини ва объективлигини таъминлаш учун моддий жавобгар шахс комиссияга жавобгарлигидаги мавжуд ҳамма моддий бойликларни кўрсатиши лозим.

Тайёр маҳсулотни ҳаридорга жўнатиш ҳаридор билан аввалдан тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади. Бу шартномаларда жўнатиладиган маҳсулотни муддати, миқдори, қиймати ва ҳисоб - китоб шартлари акс эттирилади.

Аудитор шартномалардаги шарт-шароитларни тўлиқ акс эттирилишини текширади. Ундан ташқари маҳсулот жўнатилиши ҳисоб счёт-фактура,

чиқим, юк хати, тўлов талабномаси ва бошқа ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлиги аниқланади.

Маҳсулот жўнатилганда унинг сотилиши нархи тўғри ҳисобланиши, яъни унга қўшилган қиймат, акциз ва бошқа солиқлар қиймати, маҳсулотни харидорга етказиш учун сарфланадиган транспорт тайёрлов харажатлари суммаси қўшилиши текширилади. Аудитор жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи тўғри аниқланишини текширади. Бухгалтерия ҳисобини миллий стандартларига биноан маҳсулот жўнатилган вақтидан бошлаб сотилган деб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот харидорларга жўнатилганда унинг ҳақиқий таннархи номаълум бўлади, чунки унинг ҳақиқий таннархи ойнинг охирида аниқланади. Шунинг учун жорий ҳисобда жўнатилган тайёр маҳсулотлар ҳисоб нархларида расмийлаштирилади.

Ҳисоб нархлари сифатида режадаги таннарх ёки шартнома нархлари қўлланилади. Ҳисобот даврининг охирида жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ва унинг ҳисоб нархлари билан фарқи аниқланади. Текшириш вақтида алоҳида эътибор тайёр маҳсулотнинг тўғри баҳоланишига қаратилади чунки баҳолаш маҳсулотнинг таннархига ва молиявий натижаларига таъсир этади.

Корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ тайёр маҳсулот жорий ҳисобда барқарор ҳисоб нархларда акс эттирилади. Бундай ҳисоб нархлар сифатида режадаги (норматив) таннарх ёки шартномавий сотиладиган баҳолардан фойдаланиш мумкин, ҳисобот даврининг охирида маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан ҳисоб, нархлар орасидаги фарқи аниқланади ва алоҳида ҳисобга олинади.

Аудитор давр сарфларини ҳисобга олишни ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадида қуйидагиларни текшириши лозим: давр сарфларини ҳисобга оладиган: 9410-«Сотиш харажатлари», 9420 - «Маъмурий харажатлар», 9430-«Бошқа операцион харажатлар», 9440-«Келгусида солиққа тортиладиган базадан

чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» бўйича ўз вақтида, ишонарли ва тўлиқ акс эттирилишининг таъминланиши; импорт муомалаларини амалга оширишда воситачилик қиладиган ташкилотларга тўланадиган комиссия тўловлар суммалари; божхона тўловлари, шунингдек, товарлар ва бошқа мулкларни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган божхонада амалга ошириладиган расмийлаштириш ўтказиш учун тўловлар; материал қийматликларни сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари;

Бунда қилинган харажатларнинг асосланганлиги ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Молиявий натижаларни ҳисоблаш тартиби тармоқлар бўйича бири-биридан фарқ қилиб, бу фарқ асосида маҳсулот таннархини аниқлаш харажатларни тақсимлаш мезони туради. Молиявий натижанинг асосий манбаи бўлиб, маҳсулотни сотишдан келиб тушган пул мааблағлари ҳисобланади. Молиявий натижалар ҳолатига маҳсулот ва товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар бевосита таъсир қилади.

3.3 . Аудит натижаларини расмийлаштириш.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилиниши лозим. Масалан, аудит ўтказиш дастурининг «Маҳсулот(иш, хизмат)ларни сотишни текшириш» бўйича ўтказилган аудит натижаларини баҳолашда қуйидаги аудиторлик амалларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир;

Бу текширув натижалари ҳисоб маълумотларининг ишончилигини жорий мажбуриятларни балансда акс эттиришнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан баҳолашга имкон беради. Аудиторлик

ҳисоботидаги ахборотлар махфий ҳисобланади ва уни ошкор этиш мумкин эмас.

Аудиторлик текширувининг натижалари асосида тузилган ҳисоботда корхона молия-хўжалик фаолияти ва унинг натижаларининг умумий аҳволи, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг ҳолати, таҳлил ишларининг даражаси ҳамда корхонадаги ҳисоб-таҳлил ходимларининг тавсифи акс эттирилади. Аудиторлик ҳисоботи маълумотлари корхона бозор шароитларига қандай мослашаётганлиги ва муваффақиятли ривожланиши ҳамда фойдасини кўпайтира олишга қодирлигини ёки аксинчалигини билдириши лозим. Албатта, текширилаётган корхонадаги аҳвол беэбаб кўрсатилмасдан, аудиторга тақдим қилинган ахборот ҳақиқий бўлгандагина эҳтиросларга берилмаган ва реал аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулоса шаклланади.

Аудитор ҳисоботда келтирилган камчиликлар бўйича уларни бартараф қилишга қаратилган ўз таклифларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим. Лекин текширилаётган корхона ходимларига «яхшилик» қилиш мақсадида аудитор шахсан ўзи дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботларидаги хатоларни тўғрилаши мутлақо мумкин эмас.

Аудитор аниқланган хато ёки камчиликлар тўғрисида корхона раҳбариятига билдиради ва уларни тузатиш бўйича аниқ тавсиялар беради.

Агар бухгалтерлик (молиявий) ҳисобни юритиш, тегишли ҳисоботларни тузиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш бўйича кўрсатилган камчиликлар аудит ўтказиш чоғида буюртмачи корхона томонидан тузатилмаса, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқлаш мумкин эмаслиги тўғрисида аудиторлик текширувининг хулосасида ёзилади.

Аудиторлик хулосаси бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун ушбу ҳисобот ишончлилиги ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторлик хулосасида баён қилинган фикрга таяниб,

аудиторга ёки аудиторлик фирмасига ишонч билдирадилар. Ушбу ишонч, энг аввало, аудитор томонидан бажарилган ишнинг сифати билан кўлга киритилади ва оқланади.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат. Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.

Мазкур битирув малакавий ишида текшируви натижаларини аудиторлик ҳисоботига асосан «Поп пахта толасиси» Акциядорлик Жамиятида мисолида кўриб ўтамыз.

Наманган Вилояти Маъсулияти Чекланган Жамият шаклидаги «NAZORAT AUDIT » аудиторлик ташкилоти билан «Поп пахта толасиси» Акциядорлик Жамияти ўртасида 2010 йил 1-март куни тузилган № 1/59-сонли шартномага асосан «Поп пахта толасиси» Акциядорлик Жамиятида 2010йил 1-январдан 2010 йил 31 декабргача даврда молиявий хўжалик фаолиятини аудит текшируви ўтказилди .

«Поп пахта толаси» ОАЖда 2002 йил 23 октябрда Адлия Вазирлигида 1181 тартиб рақамида рўйхатдан ўтказилган 21-сонли «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти» талаблари асосида янги сўётлар режаси бўйича ҳисоб-китоб ишлари ташкил қилинган. Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 279-1 қарори билан амалга киритилган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонун талаблари асосида ҳисоб-китоб ишлари ташкил қилинган.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби асосан бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги қонун талаблари асосида ташкил этилган ва юритилаётган бўлсада аудиторлик текшируви жараёнида бир қатор камчиликларга ҳам йул қуйилганлиги аниқланди, жумладан: Жамият томонидан бошқа корхона ва ташкилотлардан товар

моддий қийматликлар олиб келишда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2002 йил 7 май куни 62- сонли буйруғ билан тасдиқланган «Товар моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш тўғрисидаги Низом» талабларга риоя қилиш ҳолати текшириб чиқилганда жамиятда моддий жавобгар шахсларга бошқа корхона ва хўжаликлардан товар моддий қийматликлар олиб келишга берилган ишончномаларни қайд қилиб бориш учун белгиланган тартибдаги «Ишонч ваколатномаларини қайд қилиш» дафтари юритилган. Дафтар варақлари рақамланиб ип ўтказиб тикилган, жамият раҳбарияти имзоси ва жамият мухри билан варақлар сони тасдиқланган. Дафтар 2010 йил 2 январдан бошлаб юритилган бўлиб 2010 йил давомида ёзиб берилган ишонч ваколатлари дафтарнинг 1-21 бетларида қайд этилган. 2010 йилда моддий жавобгар шахсларга жами 419 дона ишонч ваколатлари ёзиб берилган бўлиб, шулардан 310 донасига ҳисобот олинганлиги тўғрисида дафтарда қайд этилган, 109 дона ишонч ваколатномалари белгиланган муддатларда ишлатилмаганлиги сабабли бекор қилинган ва алоҳида папкада тикиб борилганлиги аниқланди. (2010 йил давомида бекор қилинган ишонч ваколатлари тўғрисидаги маълумот илова қилинади)

Жамиятда 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счётида, товарларни сотишдан даромадлар 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счётида, сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи 9110 «Сотилган тайер маҳсулотларининг таннархи» счётида, сотилган товарларнинг таннархи 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счётида олиб борилган.

Ҳисобот маълумотлари бўйича 2010 йилда асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 74051,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, «Молиявий натижалар тўғрисида» ҳисобот Ф-2 шаклида 090 қаторида кўрсатилмасдан 010 қатор яъни асосий фаолият даромадлари таркибида кўрсатилган. Аудит текширувида асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 70742,0 минг сўмни ташкил этиши лозимлиги аниқланди. Жамият бўйича 2010 йилдаги молиявий

фаолият даромадлари яъни ҳисобланган дивидентлар 8248,0 минг сўмни этганлиги кўрсатилган бўлиб, аудит текширувида молиявий фаолият даромадлари бўйича фарк аниқланмади.

Аудит текширувида аниқланган хато ва камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда ҳисоботга тегишли тузатишлар ва узгартиришлар киритилганлиги натижасида сотилган маҳсулотлар ва товарлар таннари 18331100,0 минг сўмни, давр харажатлари 1710258,0 минг сўмни, жумладан, молиявий фаолият бўйича харажатлар 528900,0 минг сўмни, жами харажатлар 20663025,0 минг сўмни ташкил этишганлигиёки ҳисоботда харажатлар 92767 кам кўрсатилганлиги аниқланди. Аудит текшируви давомида харидорларга сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун расмийлаштирилган ҳисоб-варақ фактураларнинг ҳолати текширилганда айрим ҳисоб-варақ фактураларда харидорларнинг идентификация хос рақамлари ва ОКОНХ хос рақамлари кўрсатилмаганлиги каби камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жамият бош ҳисобчисига Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 135-моддаси 10-бандига асосан ҳисоб-варақ фактурани расмийлаштирмаганлик ёки ҳисоб-варақ фактурани белгиланмаган шаклда расмийлаштирганлик учун (Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақами ва конун ҳужжатларига мувофиқ назарда тутилиши шарт бўлган ҳолларда бошқа реквизитлари кўрсатилмаганлиги ёки нотўғри кўрсатилганлиги) ҳар бир нотўғри тузилган ҳужжат учун энг кам иш ҳақининг ун баравари миқдорида жарима ундирилиши тушунтирилди ва расмийлаштирилган ҳисоб-варақ фактуралардаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш тавсия этилди.

2002 йил 14 январдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 15-сонли ва Давлат Солиқ Кўмитасининг 2002-12-сонли «Юридик шахсларни даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома»си ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 феврал куни 54-сонли «Маҳсулот (иш хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби

хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» Низом талаблари асосида юритилганлиги аниқланди.

Мазкур битирув малакавий иши бўйича «Поп пахта толаси» ОАЖда сотилган маҳсулот(иш, хизмат)лар ҳисоби ва аудитини ташкил этиш бўйича қуйидаги тавсияларни берамиз:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари талабларига тўла- тўқис амал қилган ҳолда ҳисоб-китоб ишларини ташкил қилиш ва юритиш;
- Харажатлар ҳисобини юритишда 1999 йил 1 январдан жорий этилган «Харажатлар таркиби тўғрисида» ги йўриқнома талабларига тўла риоя этиш;
- Ҳаридорлар ва фермер хўжаликларига сотилган маҳсулотларни бошланғич ҳисобини такомиллаштир.

Хулоса

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда .

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш даврида иқтисодиётдаги сифат силжишлари ҳисобга олишнинг бошқарув функцияси сифатидаги ролини кескин оширади. Бошқарув тизимининг самарадорлиги, олинган ахборотнинг сифати ва ишонарлигига боғлиқдир. Шунга кўра ҳисобга олиш сифати, унинг ишонарлилиги, бошқарув,камайтиришни амалга ошириб, товар ҳаракати, товар таъминоти технологиясини такомиллаштириш:товар-моддий бойликларни ташиб етказиб беришда сақланишини таъминлаш: омбор хўжалигини яхшилаш ва сақлаш усулларини машинада бошқарув ва инвентаризациялар ўтказиб такомиллаштириш: талабни прогноз қилиш, уни

ўрганиш, режалаштириш, қониқтиришнинг комплекс тизимни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш ва ҳисобга олишнинг интеграциясини, маълумотларни интегралланган ишлов тизимнинг жорий этилишини таъминлаш: айрим савдо корхоналарини приватизация қилиш: замонавий техника воситаларини кенг қўллашга асосланган бошқарувнинг янада такомиллашган оператив системаларининг ишлаб чиқилишидир.

Тайёр маҳсулотларни сотиш жараёни тўғри ташкил қилиш корхона фаолиятини яхшиланишига, молиявий натижаларни ортиб боришига, харажатларни камайтиришга ўз таъсирини ўтказиб боради. Хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулот ва уларни сотиш харажатларини ҳисоблашни назорат қилиб боришдан асосий ўтказишдан мақсад содир бўлган хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш ва солиққа тортишда қўлланилаётган тартибнинг Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Милилий иқтисодиётда маҳсулотларни сотилишини ҳисобга олишнинг мақсад ва вазифалари иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир босқичида муайянлаштирилиб борилиши зарурдир.

Бухгалтерияда ҳисобга олишнинг муҳим вазифаси - хўжалик ҳисобини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, фақат корхоналарни эмас, балки жамғарманинг зарур замини бўлган тежамкорликни кучайтиришдир. Бухгалтерияда ҳисобга олиш корхона фаолиятида режалаштирилган молиявий натижаларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаши лозим. Товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига сотишда моддий ва пул харажатларни камайтириш муомала харажатларни камайтиради, корхоналар рентабеллигини оширади..

«Поп пахта толаси» ОАЖда пахтани қайта ишлаш натижасида тола, чигит, момиқ, толали улюг, калта тола момиғи, гардлар, пух ва бошқа

маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, ҳамда уларининг сотилиши натижасида йил давомида катта ҳажмдаги даромадлар ва харажатлар қилинади .

«Поп пахта толаси» ОАЖда 2002 йил 23 октябрда Адлия Вазирлигида 1181 тартиб рақамида рўйхатдан ўтказилган 21-сонли «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти» талаблари асосида янги счётлар режаси бўйича ҳисоб-китоб ишлари ташкил қилинган. Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 279-1 қарори билан амалга киритилган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонун талаблари асосида ҳисоб-китоб ишлари ташкил қилинган.

Лекин биз тадқиқот даврида ўрганган «Поп пахта толаси» ОАЖда маълумотлардан шундай хулосага келиндикки 2002 йил 14 январдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 15-сонли ва Давлат Солиқ Қўмитасининг 2002-12-сонли «Юридик шахсларни даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома»си ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 феврал куни 54-сонли «Маҳсулот (иш хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» Низом талаблари даражасида юритилмаётганлиги маълум бўлди.

Шунинг учун ҳам «Поп пахта толаси» ОАЖда ҳисоб, таҳлил ва назоратни янада такомиллаштириш зарур .

Агар солиқ қонунчилиги корхона сотиш харажатлари, унинг фойдаси ва рентабеллигини аниқлашда тадбиркорлик – барча даромадлардан барча харажатларни чиқариб ташлаш – қонунига амал қилганда осон бўлар эди. Лекин давлатнинг солиқ сиёсати фақат солиқ ҳисоблаш ва уни бюджетга ўтказиб олишнигина инобатга олмайди, балки солиқ сиёсати рағбатлантирувчи характерга эга, хўжалик юритишнинг рационал усулини рағбатлантиради ва ресурслардан

қонунсиз фойдаланишни жазолайди. Солиқ сиёсати маълум ижтимоий мақсадни ҳам кўзлайди, янги ҳудудларни ўзлаштиришга ундайди ва ҳ. к.

Шундай қилиб, жамиятда маҳсулотларни сотилиши бўйича ахборотларни йиғиш босқичида хўжалик фаолияти натижаларига таъсир этувчи ташқи (солиқ) ва ички омилларга бўлиш имкониятини берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимига эга бўлади. Демак, бу омилларга жавобан асосланган сиёсат ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушум товар (базарилган иш ва хизматлар) ни юклаб жўнатилишига ва харидорларга ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилишига қараб аниқланади. Тақдим этилган ҳисоблашиш ҳужжатларига қараб молиявий натижаларни аниқлаш услуги бозор иқтисодиётидаги мамлакатларга хос. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари молиявий натижаларни айнан шундай тартибда шакллантиришни талаб қилади.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби асосан бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги қонун талаблари асосида ташкил этилган ва юритилаётган булсада аудиторлик текшируви жараёнида бир қатор камчиликларга ҳам йул қуйилганлиги аниқланди, Поп пахта толаси” АЖда сотилган маҳсулот(иш,хизмат)ларни текшириш якуни бўйича қуйидаги тавсиялар берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Карорлари талабларига тўла-тўқис амал қилган ҳолда ҳисоб-китоб ишларини ташкил қилиш ва юритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ва шулар асосида ишлаб чиқарилган бошқа йўриқномалар талаблари асосида ҳисоб-китоб ишларини юритишни йўлга қуйиш;
- Харажатлар ҳисобини юритишда 1999 йил 1 январдан жорий этилган «Харажатлар таркиби тўғрисида» ги йўриқнома талабларига тўла риоя этиш;

- Ҳаридорлар ва фермер хўжаликларига сотилган маҳсулотларга расмийлаштирилган ҳисоб варақ фактураларда кўрсатилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш;
- Юқорида кўрсатилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш ва қўшимча ўтказмалар тузиш йўли билан бухгалтерия ҳисобига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун.Т. 1996 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.-Т.2007 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни.-Т.2000 й.
4. Каримов И.А.Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан-Т. «Ўзбекистон».1995 й.
5. Каримов.И.А.Ўзбекистон мустақиллик, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура.-Т. «Ўзбекистон» 1996 й.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т, Ўзбекистон, 2009 йил
7. «Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом 1999 йил 5 февралда Вазирлар Макамасининг 54-сон қарори билан қабул қилинган.
8. Ўзбекистон Республикасининг БҲМС (№.1-22) -Т. 1998-2004 й.
9. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.-Т. 1999-2002 й.
- 10.Бобожонов О. Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб - Т. «Молия».2002 й.
- 11.Вахобов А. В., Молиявий таҳлил. –Т: Шарқ, 2005 й
11. Дўстмуродов Р.Д. Аудит асослари-Т. 2003й
12. Завалишина Янгича бухгалтерия ҳисоби.Т.2003й
13. Мусаев Х.Н. Аудит «Молия» Т. 2003 йил.

14. Умарова М. ва бошқалар «Бухгалтерия ҳисоби» Т. Меҳнат. 2004

15. Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи Тошкент-2004й

Интернет сайтлар

1. www.frei.org - Financial Executives Institute (FEI)

2. www.mythbreakers.com/ima - Institute of Management Accountants (IMA)

www.sma-canada.org - Society of Management Accountants (SMA)

www.cima.org.uk - The Chartered Institute of Management Accountants

www.rutgers.edu/accounting/raw/aaa/aaamas - American Accounting Association Management Accounting Section (MAS)